

...Халқимиз жадид боболаримиз кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бориши керак. Чунки уларнинг ғоя ва дастурлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегияси билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
16-iyul
chorshanba
№ 28 (1455)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan

www.uzhurriyat.uz



hurriyatuz@mail.ru



t.me/hurriyatuz



Hurriyat gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ТАШАББУСЛАРНИ ЯНАДА Қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ўсишини таъминлаш жараёнида кенг аҳоли қатламининг иштирокини ҳамда уларнинг турли соҳалардаги истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш ва инновацион фаоллигини янада оширишнинг самарали механизмларини жорий қилиш мақсадида қарор қиламан:

I. Мақсадлар

1. Қуйидагилар аҳолининг истиқболли ташаббусларини рағбатлантириш чора-тадбирларининг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

а) самарали ва халқчил ислохотларни амалга оширишда кенг жамоатчилик ва жамиятнинг турли қатламлари вакиллари, хусусан, етук мутахассислар, ёшлар, тадбиркорлар, фаол фуқаролар ва ватандошларнинг (кейинги ўринларда — кенг аҳоли қатлами) иштирокини қўллаб-қувватлаш;

б) мамлакат рақобатбардошлигини ошириш, янги технологиялар ва илм-фан ютуқларини интеграция қилиш;

в) истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг аҳоли қатлами учун очиқ мулоқот майдонини яратиш;

г) замонавий, илғор ғоялар ва истиқболли ташаббусларни саралаш ва танлаб олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш.

II. “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш

2. 2025 йилдан бошлаб ҳар йили “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини (кейинги ўринларда — Форум) ўтказиб бориш амалиёти жорий қилинсин.

3. Белгилансинки:

а) Форум “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш жараёнида кенг аҳоли қатламининг истиқболли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаоллигини рағбатлантириш ва кенг тарғиб қилишга қаратилган;

б) Форум ўтказиладиган устувор йўналишлар ҳар йили

“Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) томонидан белгилаб берилсин;

в) Форумга умумий тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш Ташкилий қўмита, истиқболли ташаббусларни баҳолаш Менторлар кенгаши томонидан амалга ошириладиган;

г) Стратегик ислохотлар агентлиги Форумга келиб тушган истиқболли ташаббусларни йиғиш, уларнинг ягона рўяхатини шакллантириш, махсус крауд платформага жойлаштириш ва эълон қилиб боришга ҳамда Форум натижаси бўйича маълумланган истиқболли ташаббусларнинг масъул вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади;

д) Форумни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар 2025 йилда Стратегик ислохотлар агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, 2026 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутиб бориладиган;

е) Форумни ўтказиш жойини тегишли воситалар (баннерлар, видеороликлар, экранлар, алоқа ва бошқа воситалар) билан таъминлаш “Интерфорум” ДУК томонидан амалга ошириладиган;

ж) Форумнинг эндаумент фонди ихтиёрий маблағлар асосида шакллантириладиган фонд сифатида ташкил этиладиган;

з) Форумда маълумланган истиқболли ташаббусларни тижоратлаштириш ва молиялаштиришга “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ ва бошқа тижорат банклари, шунингдек, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси масъул ҳисобланади.

III. Ташкилий чора-тадбирлар

4. Қуйидагилар:

а) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага мувофиқ;

б) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумининг менторлар кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ;

в) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини ўтказиш тартиби тўғрисида низом 3-иловага мувофиқ;

г) “Келажақ учун” истиқболли ташаббуслар форумини 2025 йилда ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) Форумга тайёргарлик жараёнида келиб тушган истиқболли ташаббуслар топ-50 ва топ-10 талик тартибда сараланади;

б) Менторлар кенгаши томонидан топ-10 деб топилган энг долзарб истиқболли ташаббуслар Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида ўтказиладиган Форумнинг ялпи мажлисида муҳокама қилинади;

в) Форумнинг ялпи мажлисини ўтказиш якунлари бўйича маълумланган истиқболли ташаббусларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади;

г) чора-тадбирлар режасига киритилган истиқболли ташаббусларни амалга ошириш учун кредит ва грантлар ажратилиши, солиқ, божхона ва бошқа рағбатлантириш чоралари қўлланиши мумкин;

д) Форум доирасида келиб тушган бошқа ташаббуслар Вазирлар Маҳкамасига давлат дастурларини, тегишли соҳа, тармоқ ёки ҳудудларни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш мақсадида юбориладиган ҳамда Ҳукумат томонидан уларни амалга ошириш юзасидан зарур чоралар қўрилади.

6. Стратегик ислохотлар агентлиги (Б.Рахматов) ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норкулов), “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ (С.Аннакличев) ва “Интерфорум” ДУК (Б.Зуфаров) билан биргаликда икки ой муддатда Форумда иштирок этишни хоҳловчи шахсларни очиқ электрон

рўйхатга олиш, анкета тўлдирish, истиқболли ташаббуснинг профили ва кун тартиби, дастури, иштирок этиш шартлари, шунингдек, бошқа маълумотлар олиш имкониятини берувчи крауд платформаси яратилишини ва ишга туширилишини таъминласин.

7. Ташкилий қўмита (Б.Рахматов):

а) 2025 йилда ўтказиладиган Форумнинг устувор йўналишларини белгиласин;

б) икки ой муддатда Форумни 2025 йилда ўтказишнинг аниқ санаси ва жойи ҳақида таклиф киритсин;

в) Форумни ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар режасининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини, шунингдек, масъул ижрочилар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги Форумни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида, жумладан, интернет ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини таъминласин.

IV. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

9. Мақzur Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Стратегик ислохотлар агентлиги директори Б.Б.Рахматов белгилансин.

10. Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 14 июль

ЁШЛАР — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ



“...Бугунги глобаллашув ва инновациялар даврида ҳар бир давлатнинг келажаги, аввало, унинг билимли, иқтидорли ва фидойи ёшларига боғлиқ. Юртимизда ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир...”

6-6

ЎЗЛИК

8 000 000 НУСХАДАГИ ЖАВОҲИРЛАР

ёки Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хазинасидан...

Эътироф этиш жоизки, инсоният пайдо бўлганидан буён яратган энг ноёб бойликларидан бири, шубҳасиз, бу китобдир. Китоёб мутлолаа қилиш инсоннинг нафақат фикрини тегаран, иродасини мустаҳкам қилади, балки хотирасини мустаҳкамлайди, руҳий фазилятларини шакллантиради. Мақсад сари интилиш сифатларини ўзида бойитишга хизмат қилади. Кишида мафкуравий иммунитет, оқ-қорани ажрата билиш, дунёқараш, фикрлаш тарзи, воқеа-ҳодисаларга нисбатан нуқтаи назар, ҳаётий тамойилларнинг шаклланишида, тафаккур жараёнининг таркиб топишида китобхонлиқнинг ўрни бекиёс.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк аломатлар, мутафаккирлар шоҳ саройларида талаби мақсудлари сўралганда олтинкумуш, жавоҳирлар ўрнига сарой кутубхоналаридан фойдаланишни ихтиёр этганлар. Дунёни илм нури билан ларзага солган “Байт ул-ҳикма” кутубхонасида ҳам бизнинг аجدодларимиз мутлолаа дунёсига ғарқ бўлиб, буюк кашфиётлар яратганлар.

3-6



ДИЛДАГИ ГАП

МАТБУОТ НАШРЛАРИ ҲАР БИР ХОНАДОНДА БЎЛСА...

Бу ҳақда ўйламаган, қайғурмаган, ўзича бўлса-да, чора-тадбир изламаган нашр бўлмаса керак. Негаки, бугун оммавий ахборот воситаларининг ўрни, даражасини замон билан ҳамнафас тутиш, даврга, жамиятга мос даражада ривожлантириш осон эмас. Лекин оғир бўлса-да, қийин бўлса-да, албатта, керак. Нега дейсизми? Чунки интернет олами низоҳатда ривож топган, ижтимоий тармоқлар, турли сайтлару телеграм каналлари тўлиб-тошиб ётган замонда ким ҳам газета титкилар эди? Ҳатто бугун миллионларни “экранга михлаган” телеканалларни умуман кўрмайдиган одамлар кўпайиб бормоқда...

Шундай бўлса-да, биз барибир нега газета-журналлар керак, барибир асрлар давомида яшаб келган босма нашрларнинг ўрнини бошқа ахборот воситалари ҳеч қачон боса олмайдиган, тенг келмайдиган демократизм ишонч билан? Бунга қандай асосларимиз бор?

Биринчидан, газета ва журналлар мазмун-моҳияти жиҳатидан мутлолаа манбаи ҳисобланади. Китобнинг, театрнинг ўрнини интернетнинг тенгсиз имкониятларига алмаштириб бўлмаганидек, биз айтган матбуот саҳифаларини ҳам бошқа нарсалар босиб кета олмайдиган. Фақат ундан кўр-қўрона воз кечмасак бўлгани.

Матбуот ҳеч қачон ёпилиб кетмайди! Буни мамлакатимиз Президентини ҳам қатъий таъкидлаб келмоқда. Қолаверса, матбуот ва сўз эркинлигига эътибор берилмаётгани, қўллаб-қувватланмаётгани бежизга эмас. Аввал ҳам кўпдан-кўп айтганимиздек, Президентимизнинг матбуотга ишончи балинд. Шу боис мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Албатта, кечагидек ёдимизда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2023 йили Қашқадарё вилоятига қилган сафари давомида Қарши шаҳридаги Янги Батон маҳалласида жойлашган 71-урта мактабда бир гуруҳ зиёлилар, фахрий ҳамюртларимиз билан суҳбатлашиб, сўз эркинлиги ва очикилик масаласида фикр билдирган эди.

2-6

МАТБУОТ НАШРЛАРИ ҲАР БИР ХОНАДОНДА БЎЛСА...

1-6

Бу кўплаб интернет нашрларида ўша куннинг ўзидаёқ эълон қилин- ганди. Унда айтилган Президентли- мизнинг қуйидаги фикрларига эъти- бор қилинг...

“Ёпиқ давлат бўлиб (олдинги даврларда. Тахр.) оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлама- ганимиз учун халқнинг овозини эшитмадик”.

“Эркинлик нафаси ёқадими? Менга ёқади”.

“...Яна олдингидек, прокурор, МХХ текширувчи бў- лаверсинми? Биз ниятимизга етдикми? Биримиз икки бўлдими?”

“Шунинг учун эркинлик нафасини, оммавий ах- борот воситаларини дўст биламиз. Гапирсин, адо- латни гапирсин. Танқид қилсин, тўғри танқид бўлсин. Шу қишлоққа, мактабга, таълимга фойдаси бўлса, нур утсага нур”.

“Мен ҳар кунни ўқийман, интернетни ҳам ўқийман. Ким қандай гапирганини вақтим борица, қўлимга қа- лам олиб, ўзимга ёзиб оламан. Барибир 10 та фикр- дан 9 таси тўғри бўлиб қолади. Бу тўғри йўналишимиз? Агар бизда (ОАВ) ёпиқ бўлса, сизларни ҳам ҳеч ким эшитмайди”.

Юртбошимизнинг бундай очиқ ва самимий фикрлари, албатта, барча матбуот вакиллари ҳам руҳлантирган. Лекин сир эмас, минг машаққат билан чоп этилаётган нашр- лар жуда тор доирадаги одамларга етиб бормоқда. Маъна- вият сарчашмалари бўлган газета ва журналлардан одам- лар кун сайин узоқлашяпти. Бунинг сабаби нимада, чиндан ҳам босма нашрлари халқ ўқишни истамаяптими? Ёки бу нашрларда одамларни қизиқтирадиган мавзулар ёритил- маяптими?

Албатта, бу саволларга бирданига ва тўлиқ жавоб бе- риш қийин. Лекин жуда керак. Шунч ишонч билан айтиш мумкинки, бугун матбуот нашрларининг ўрни, аҳамияти йўқолган эмас. Одамлар ҳали ҳам аввалгидек газета-жур- наллари ўқишни иштаади. Бироқ факатгина истак билан иш битмайди. Қолаверса, барча нашрларни ҳам ўқишли, бугунги давр талабига жавоб беради деб бўлмайди. Буни ҳам тан олиш керак. Айрим ҳамкасбларимиз хафа бўлиш- масин-у, босмадан чиқаётган айрим туман, вилоят ва ҳатто республика миқёсидаги нашрларни қўлга олиб, хафсалан- гиз пир бўлади. Нетонки, бирорта юракни жизиллатадиган мақола ҳам, хабар ҳам йўқ! Демак, матбуот нашрлари ўз ўқувчиларини топадиган, қизиқтирадиган даражада бўлиши шарт. Нима учун интернет тармоқлари кенг ривож топган қатор илғор мамлакатларда бугун 100 минглаб ададда га- зета ва журналлар чоп этилмоқда? Уларда мажбурлаб обунга қилиш борми ё? Йўқ, албатта. Сабаби, ўша нашр- ларни ўқиса бўлади. Иккинчидан, соҳага эътибор ҳамда ривожланиши учун маълум шарт-шароитлар, имкониятлар йўли ишлаб чиқилган.

Кўп йиллик қузултуларимиз, матбуот нашрларида фао- лиятимиз давомида ишонч ҳосил қилган айрим масалалар борки, улар бугун ўзининг ечимини кутмоқда. Катта йиғи- лашлардан бирйда Президентимиз “Болаларимизни теле- фон тарбиялапти”, дея қуюнчақлик билан фикр билдирган эди. Чиндан ҳам шундай. Бугун ҳатто бошланғич синф ўқу- вчисининг қўлида “Гунча” эмас, балки шапалоқдек телефон.

Тўғри, телефон ҳам керак. Интернет ҳам. Аммо фарзандларимизнинг билим, ахборот, маънавий бой- лик оладиган бор манбаси фақат электрон қурилма-

лардан ҳам иборат бўлмаслиги керак-да.

Маълумки, телефон ёки интернет тармоқлари фақат- гина керакли маълумотлар, тасвирлар эмас, балки буз- гунчи ва тарбияга, ахлоққа зид нарсалар билан тўлиб- тошган “қути”дир. Ундан кейин, кун давомида телефон ва интернетга муккасидан кетиш нафақат маънавий, балки тиббий жиҳатдан ҳам зарарли эканлигини мутахассислар бежиз айтишмаяпти.

Шундай экан, фарзандларимизни, албатта, болалар нашрларига қайтаришимиз зарур. Ўқитувчиларни, барча зиёлиларни, каттаю кичики матбуот нашрлари муту- лаасига қайтармоқ керак. Албатта, бу жуда қийин. Лекин имконсиз эмас. Шубҳа йўқки, қачонки болалар, ўсмир- лар ўз нашрларни ўқиб, ўрганишса, бунга рағбат берилса, катта бўлган болалар келажақда ҳам, яъни вояга етганла- рида ҳам нафақат газета-журналларни, балки китоблар- ни-да ўқийдиган бўлишади. Ҳозиргидек фақат телефонга термулиб ўтиришмайди.

Бугун-чи, юртимизда 10 мингга яқин мактаблар бўла ту- ribs, уларда бир неча миллионлаб болалар таълим оли- шаётганига қарамай, болалар нашрларининг адади мактаб- ларимиз сонига ҳам етмайди. Демак, айрим мактабларга битта ҳам болалар нашрлари етиб бормаяпти! Бошқа га- зета-журналларнинг бориши ҳам шу аҳволда.

Назаримизда, матбуотдан ёшларнинг узоқлашиб ке- тишига ана шу нарсалар сабаб бўлмоқда. Шу боис, айрим тақлиф ва мулоҳазаларимизни қайта-қайта ўртага ташлаш- дан эринмаймиз.

1. Бугунги кунда аксарият босма нашрларнинг адади, жойларга етиб бориши, етказиб берилишида жуда катта муаммолар мавжуд. Бунинг сабаби босма нашрларга обунга уюштириш масаласида мақбул ечим топилмади.

Юқорида айтилгандай, ўрта мактабларда болалар нашрларига ўқувчиларни обунга қилиш мутлақо издан чикди. Мустақиллигимиздан олдин “Гунча”, “Тонг юлдузи”, “Гулхан” каби нашрлар 100-200 минг нусхадан зиёд чоп этилган бўлса, уларнинг бугунги тиражи юқорида айтгани- миздек, жуда кам.

Бизнинг фикримизча, ечими: мактабларимизда бугун 5 миллиондан зиёд ўқувчилар таълим олмақда. Ёшига қараб болалар нашрларига ҳар битта синфда камиди 5 нусхадан обунга қилишни йўлга қўйиш лозим. Шунда ушбу нашрлар- нинг йиллик обунга нархлари ҳозиргига нисбатан камиди 10 баравар арзонлашади. Ўрни жуда арзимас нархда бўлади. Кўпчилик оғринмай фарзандини уларга обунга қилишига умид қилсак бўлади. Ўқитувчиларнинг ҳам аксарияти бугун нашрларнинг номини ҳам билишмайди. Энг муҳим газета- журналларни фарзандларимизга таълим-тарбия беради- ган инсонлар албатта олиши керак эмасми? Ёки тиббиёт ҳодимлари, олий таълим, иқтисодиёт ва бошқа кўп минг сонли соҳада ишлаётган юз минглаб юртдошларимиз ҳам матбуот нашрларидан жуда-жуда узоқдадилар.

2. Республика нашрларининг аксарияти бугунги кунда 3 минг ёки 5 минг ададда чоп этилмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги санокли ташкилот ва корхоналарга- гина газета ва журналлар амаллаб етиб бораётганини билдиради. Энг ачинарлиси, миллионлаб одамлар, миллионлаб хонадонларга газета-журналлар етиб бормайди. Оддий одамлар, пенсионерлар газета-жур- нал ўқиш имкониятига эга эмас. Ҳатто бутун бошли ма- ҳалла, қишлоқлардаги 1000та хонадон ўрганиб қўрил- ганда, уларнинг ҳеч бирига 1 нусха ҳам бирор номдаги

газета-журнал етиб бормаётганини кўриш мумкин.

Сабаби: нашрларнинг бугун ўртача обунга баҳоси 600 минг сўмдан 1 миллион 500 минг сўмгача. Бу нархга эса кўпчиликнинг обунга бўлиш истаги бўлса-да, иқтисодий им- конияти етмаслигидан далолат беради.

Бизнинг шахсий фикримизча, ечими: юртимиздаги барча хонадонлар хоҳишларига қўра, ўзлари истаган нашрларга маҳаллалар кўмағида обунга бўлишлари мумкин. Бунда “Маънавият саватчаси” ташкил этилиб, мамлакатимиз сиё- сатини, маданиятини, маънавиятини ёритадиган ҳамда адабий-бадий нашрларни етказиш имкониятлари шакл- лантирилса, хайрли иш бўлар эди. Шунда ушбу нашрлар- нинг ададлари ҳам бир неча юз минг нусхага ошиб, обунга нархлари эса кескин арзонлашиши турган гап.

Демак, “Ҳар бир хонадонга — газета ва журнал” лойиҳа- сини рўёбга чиқариш мумкин бўлар эди.

3. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар ва- зирлиги, бошқа тегишли вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда босма нашрларнинг муту- лаасини йўлга қўйиш бўйича бир дастур ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлмайdimи?

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, бугунги одам- лар қайсидир маънода маънавий-маърифий воситалар- дан, тўғрироғи, матбуот сарчашмасидан мосуво бўлиб қол- ганлиги сабабли, ўзларини турли ижтимоий тармоқлардан баҳраманд бўлишга мажбур бўлаётгандек таассурот уйғо- тади. Чунки маънавий бўшлиқни матбуот нашрлари эмас, ижтимоий тармоқлар эгаллаб бормоқда.

Шу ўринда яна бир тақлиф: мамлакатда Маънавият ва маърифат марказига давлатимиз томонидан жуда катта маблағлар ажратилган бўлиб, аслида, маънавий бўшлиқни тўлдирувчи матбуот нашрларининг обунасига маълум да- ражада кўмак бериш вазифаси ҳам ана шу Марказ зимма- сига юкланса, ўринли бўлар эди.

Матбуот нашрларининг ўрнини, нуфузини ошириш учун у обуначиларга ўз вақтида етказиб берилиши эса жуда му- ҳим масала. Ҳозирги пайтда, афсуски, нашрлар бир ҳаф- тада ҳам обуначига етказиб берилмайди. “Ўзбекистон по- таси” ва “Матбуот тарқатувчи” АК тузилмалари тўлиқ ис- лоҳга муҳтож бўлиб қолган.

Яна шундай тақлиф борки, бугун матбуотда эълон қи- линаётган материалларга эътибор, жавобгарлик, жавоб бе- риш мажбуриятини тиклаш керак. Негаки, матбуот — давр кўзгуси экан, унда акс эттирилган танқидий-таҳлилий чи- қишларга муносабат билдирилиши, чора-тадбир қўрилиши шарт. Йўқса, қанча гапирилмасин, қанча муаммолар, камчи- ликлар олиб чиқилмасин, бари дарёга отилган тошдай из- сиз кетаверади. Минг афсуски, бугун кўпгина вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ОАВда эълон қилинган материал- ларга жавоб беришни “унутиб” қўйишган. Сабабларидан бири уларга ҳам кўпгина нашрлар умуман бормайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб, мамлаката- мизда Юрт эгаси — Президентимиз матбуотни ўқиётган, интернет тармоқларини кузатаётган экан, бундан барча катта-кичик амалдорлар ҳам тегишли халоса, ибрат олиш- ларига умид қилишга ҳақлимиз.

Қани эди, матбуот бугунгидек фақат ташкилот ва кор- хоналардагина эмас, ҳар бир хонадонларда ўз ўқувчисини топса...

А. ПАРДАЕВ,
журналист.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“ЎЗБЕК ЖУРНАЛИСТИКАСИ АНТОЛОГИЯСИ” ТАҚДИМОТИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекис- тон Миллий кутубхонасида Ўзбекис- тон Журналистлар уюшмаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида нашр этилган “Ўзбек журналистикаси анто- логияси” китобининг тақдими бўлиб ўтди.

Тадбирда устоз журналистлар, марказий оммавий ахборот воситалари ходим- лари ва раҳбарлари, соҳа етакчилари ва олимлари, кутубхоначилар, кенг жамоат- чилик вакиллари иштирок этди.

Тақдимотни олиб борган Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холму- род Салимов ушбу китоб давлатимиз раҳ- бари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июнда қабул қилинган “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва жур- налистика соҳасини ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори ихроси доирасида нашр этилганини алоҳида таъ- кидлади. Ушбу лойиҳани амалга ошириш жараёнида соҳа олимлари, устоз ва таж- рибали журналистлар иштирокида муҳо- камалар ўтказилиб, ишчи ва ижодий гуруҳ- лар шакллантирилгани, маҳаллий ва хал- қаро тажрибалар ўрганилганлиги айтиб ўтилди.



Тақдимотда сўзга чиққан “Янги Ўзбе- кистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири С.Дониёров, ЎзЖОКУ рек- тори Ш.Қудратхўжа, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбари У.Тешабоева, та- никли журналист Ф.Муҳиддинов, шунинг- дек, соҳа олимлари, антология тайёрлани- шида тегишли бўлимларга раҳбарлик қил- ган Н.Жабборов, Ҳ.Саидов, А.Нурматов ва бошқа зиёлилар юртимизда журналистика соҳасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор, “Ўзбек журналистикаси антологияси”нинг нашрга тайёрланиш жа- раёнида, ўзбек журналистикасининг узоқ ва бой тарихи, шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида сўз юритди.

Яқунда тадбир иштирокчиларига “Ўз- беқ журналистикаси антологияси”нинг I ва II жилдлари тўғрисида айтилди.

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПАЁТГАН ЖУРНАЛИСТ

Президентимиз фармонида асосан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунни арафа- сида давлат мукофотлари билан тақ- дирланган бир гуруҳ соҳа ходимлари орасида Навоий вилоятидан “Саломат- лик” газетаси муҳаррири, устоз жур- налист Иброҳим Жумаевнинг “Соғлом турмуш” медалига муносиб қўрилган вилоят журналистларининг қувончига қувонч қўшди.



Шу муносабат билан Ўзбекистон Жур- налистлар уюшмаси Навоий вилояти бў- лими томонидан “Саломатлик” газетаси таҳририятида устоз журналист, давлат му- кофоти соҳибни Иброҳим Жумаев билан давра суҳбати ташкил этилди.

— Бугун шуни мамнуният билан айта оламани, Президентимиз ташаббуси би- лан ОАВ соҳаси ходимларига кўрсати- лаётган эътиборни ҳеч нарса билан қиё- слаб бўлмайди, — деди Ўзбекистон Жур- налистлар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист Иброҳим Жумаев. — Давлати-

миз раҳбари томонидан узоқ йиллик ме- нагим қадрланиб, юксак мукофот — “Со- глом турмуш” медални билан тақдирлан- гани соҳа ривож ва ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги фаолиятимга янада кўта-ринки руҳ ва шижоат бағишлади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

ФИДОЙИЛИК

Тинчлик ва соғлиқ энг улғу неъматлардан бири эканлигини яхши биламиз. Ҳар бир ўзбек хонадонига кексаларнинг, ёши улғуларимизнинг юртга тинчлик, элга омонлик сўраб дуо қилишлари қадриятга айланган. Бу бежиз эмас. Чунки юрт тинч бўлмаса, эл осойишта бўлмаса, бари бекор. Минг-минг йиллик қадриятга айланган ушбу ҳаёт мезони ҳикмат эканлиги бугун дунёга боққан ҳар бир киши учун аён ҳақиқатдир. Ахир ер юзининг қанчадан-қанча юртларида ана шу улғу неъмат йўқ. Тинчлик йўқ, Одамларнинг тинч-хотиржам яшаши энг катта орзуга айланган. Шу босмадан ҳам биз ана шундай осойишталикни, хотиржам ҳаётни қадрлайдиган, қадрига етадиган халқимиз.

Бироқ... Тинчлик ва осойишталик ўз-ўзидан бўл- майди. Бугун эл осойишталигини сақлаш, одамлар- нинг хотиржам ҳаётини таъминлаш йўлида кечаю кундуз хизмат қилаётган инсонлар меҳнатининг масъулият ва машаққатини барча ҳам бирдек тушу- ниб, уларга кўмак бермаган тақдирда ҳам, ҳеч бўл- маганда, ҳолис назар билан баҳо бера оляптими?

Биргина мушоҳада: ҳеч кузатганмисиз, агар бир- рор жойда уч-тўрт одамнинг астойдил тортишиб тургани ёки росмана жанжаллашаётганига шохид бўлган кўпгина юртдошларимиз уларнинг ёнига бо- риб, ажрата оладими? Тан олиб айтганда, бундай вазиятда кўпчилик учун энг маъқули томошабинлик ёки кўриб қўрмасликка олиш, шундай эмасми?

Албатта, бундай вазиятларда ўз тинчини ўй- ламайдиган, ҳар қандай низоли ҳолатларда юрт- дошларини тинчлантиришга уринадиганлар ва иш йўлида ҳатто бинчиз жабр қўрадиганлар ҳам ички ишлар ходимлари ҳисобланади.

Тўғри, бу ички ишлар ходимларининг вазифаси, бурчи дейимиз. Аммо шу жараёнда ҳам тортишувни бартараф этиб, айбдорларни тегишли жазога тор- таётган ички ишлар ходимларига ёрдам бериш ўрни- га, уларнинг юриш-туриши, гап-сўзюю ҳаракати- дан айб қидиришга уринадиганлар истаганча топи- лади.

Шундай тоифадагилар атрофда туриб ўз хизмат вазифасини бажараётган ходимларга турли лўқма- лар ташлаб, ақл ўргатадилар, уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришига халал беришга ури- надиганлар ҳам йўқ эмас. Айримлар эса уяли те- лефонлари орқали бундай вазиятларни тасвирлаб олиб, қандайдир шов-шувли воқеа яратишга ҳара- кат қилишади.

“Ахир ҳозиргина ўша жанжаллашаётганларни ажратишга ҳеч ким ботинолмаётган эди. Бу ички иш- лар ходимлари қўнуний ҳаракат қилмоқда, барака топсин. Жамиятда юриш-туриш қоидаларини бузган кимсалар айбига яраша жавобини берса, ақли кир- ра”, деган фикр негиздир халъларидан ўтмайди.

Ҳа, чунки биз томошатаалаб бўлиб қолдик, бундай ҳолатларнинг моҳияти ва оқибатини эса кейин ўй-

лаймиз кўпична.

Ўйлаб кўринг, бугун ёнинг жазирасида кафтдек соя бўлмаган чорражада туриб, қуёш ти- ғида тик оёқда соатлаб хизмат олиб бораётган йўл-патруль хизмати ходими ўрнига ҳеч ўзингизни қўйиб қўрганмисиз? Агар шу ходим бир зум ўз хиз- мат жойида бўлмаса, ҳайдовчилар ҳатто бир-би-рининг устига қараб машина ҳайдашгача бори- шининг кўп бор гувоҳи бўлганмиз. Чунки ҳамма шошади, кўпчилик фақат ўзинигина ўйлайди, фа-

дувалиевнинг ҳаётда ким ўрнини босади энди? У ўлимдан қўрққанида ёки пиқоқ қўтарган жиноятига ташланмаганида, юқорида айтганимиздек, томоша-бин бўлиб турганида ёки воқеа жойига кечикиб бор-ганида ҳам тирик қолиши мумкин эди-ку...

Лекин бир ҳақиқат аниқки, ўша кезде ички ишлар ходимининг фикру ҳаёлида фақат тезроқ жанжални бартараф этиш ва одамлар ҳаётини сақлаш мақ-сад бўлгани боис ҳам у бошқалар ҳаётини асраб қолиш эвазига ўзини қурбон қилди.

ТИНЧЛИК УЧУН ЖОНИН ИККАНЛАР

қатгина ўзининг мушқули осон битса бас...

Афсуски, ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, кўп ҳолларда фуқаролар ички ишлар ходимлари- нинг қўнуний талабини бажармаслиқ ҳолатлари му- ҳокама қилинар экан, қоидабузар эмас, асосан, ана ўша ходимга ото ота бошлашади. Қилдан қийик ах- тариб, унинг айбини топишга ҳаракат қилишлар. Бу “ғийбатхона”нинг фикрлар оқими охир-оқибат қўнун- сизлик тарғиботида, давлат органидаги ходимнинг талабига бўйсунмасликка қаратилади. Хўш, бундай кайфиятни шакллантириш ва оммага сиздиришдан ким манфаатдор?

Агар ходим хатти-ҳаракатларида хатога йўл қўйса, жазоланиши табиий. Лекин аксарият ҳол- ларда қоидабузар ёки жамиятда юриш-туриш тар- тибларини қасддан бузаётганларнинг ёнини олиб, ички ишлар ходимлари ҳаракатини ёппасига қорал- шаб тўғримиқан? Улар ҳам шу юртинг боласи, шу элнинг фарзанди-ку. Бугун қўёш тийида қорайган шу инсонлар ҳам кимнингдир ўғли, кимнингдир ёри, кимнингдир отаси. Бошқалардан биргина фарқи, улар тинчлик учун, тартиб учун хизмат қилишга бел боғлаган ватанпарварлар, холос. Ана шулар ҳақида ҳамма ҳам ҳолис, виждон билан ўйлаб кўряптими?

...Жорий йилнинг 1 июль кунин Андижон вилоя- тининг Хўжаобод тумани ИИБ профилактика ин- спектори, катта лейтенант Абдурауф Абдувалиев хизмат вазифасини бажариш вақтида мардларча ҳалок бўлди. Президентимиз Фармони билан мар- хум А.Абдувалиев “Жасорат” медал билан тақдир- ланди.

Бу ходим нега бевақт ҳалок бўлди? Бева онанинг ёлғиз ўғли, уч гўдакнинг отаси бўлган Абдурауф Аб-

Ижтимоий тармоқларда уни сўнгги йўлга куза- тиш маросими, хизмат фаолияти давомида олин- ган тасвирлар намойиш этилди. Тўриси, виждонли, меҳрли инсон бори, кўзига ёш олди, марҳумнинг ҳақида дуо қилди. Оғзига қучи етмаган айрим ин- сонлар эса шу жараёнда ҳам “букрини гўр тузатар” деганларидек, ижтимоий тармоқларда ўзининг “йи-рингли фикр”ларини баён этишдан, уйиб фожияли воқеадан ҳам кир ахтаришдан тийилмади. Ҳатто марҳумнинг хотираси ҳаққи-ҳурмати учун лоқаал су-кут сақлашга ўзида қуч топишмади. Шундай пайт- ларда бундай тор фикрли, саводсиз ва имони суст кимсалар ҳам инсонмикан, дегинг келади!..

Тан олиб айтиш жоизки, янги Ўзбекистон даврида ИИБ тизимларида ўтказилган самарали ишлохотлар сабаб сўнгги йилларда ички ишлар органлари хо- димлари халққа янада яқинлашди. Маҳаллаларда хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг кундалик фаолиятиндан асар фуқароларимизнинг миннатдор эканликлари ҳам бор гап. Худудларда хизмат қилаётган ходимларнинг ҳар бир хонадонга кириб боргани, одамларнинг энг ишончли ҳуқуқий ҳимоячисига айланганини аҳолининг ўзи эътироф этмоқда.

Биринчи ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган ва- зиятларда ҳам фуқароларимиз энг аввало ички иш- лар ходимларига мурожаат қилишга одатланган. Бундай ҳолатларда эса ходимлар ҳаммиша ёрдамга ошқабдилар.

Бухоро вилояти, Вобкент туманининг “Терактик” маҳалласида фаолият олиб борувчи лейтенант Му- заффар Музаффаров ички ишлар органи ходими хизмат қийимини қийганига эндиғина 2 йилга яқин

вақт бўлган. У одатдаги иш кунларининг бирида режа асосида маҳалла ҳудудида юрган вақтида 5 ёшли болақайнинг соғлиғи ёмонлашиб, тили орқага кетиб қолганини айтиб ёрдам сўрашади. Қишлоқ жойда “Тез ёрдам” етиб келгунча Музаффар би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олган билим-лари асосида болақайга ёрдам бериб, ўзига кепти-ради ва ҳаётини сақлаб қолади.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ИИБ профи- лактика инспектори, капитан Шербек Тўрақулвога

вақт бўлган. У одатдаги иш кунларининг бирида режа асосида маҳалла ҳудудида юрган вақтида 5 ёшли болақайнинг соғлиғи ёмонлашиб, тили орқага кетиб қолганини айтиб ёрдам сўрашади. Қишлоқ жойда “Тез ёрдам” етиб келгунча Музаффар би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олган билим-лари асосида болақайга ёрдам бериб, ўзига кепти-ради ва ҳаётини сақлаб қолади.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ИИБ профи- лактика инспектори, капитан Шербек Тўрақулвога

вақт бўлган. У одатдаги иш кунларининг бирида режа асосида маҳалла ҳудудида юрган вақтида 5 ёшли болақайнинг соғлиғи ёмонлашиб, тили орқага кетиб қолганини айтиб ёрдам сўрашади. Қишлоқ жойда “Тез ёрдам” етиб келгунча Музаффар би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олган билим-лари асосида болақайга ёрдам бериб, ўзига кепти-ради ва ҳаётини сақлаб қолади.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ИИБ профи- лактика инспектори, капитан Шербек Тўрақулвога

вақт бўлган. У одатдаги иш кунларининг бирида режа асосида маҳалла ҳудудида юрган вақтида 5 ёшли болақайнинг соғлиғи ёмонлашиб, тили орқага кетиб қолганини айтиб ёрдам сўрашади. Қишлоқ жойда “Тез ёрдам” етиб келгунча Музаффар би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олган билим-лари асосида болақайга ёрдам бериб, ўзига кепти-ради ва ҳаётини сақлаб қолади.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ИИБ профи- лактика инспектори, капитан Шербек Тўрақулвога

вақт бўлган. У одатдаги иш кунларининг бирида режа асосида маҳалла ҳудудида юрган вақтида 5 ёшли болақайнинг соғлиғи ёмонлашиб, тили орқага кетиб қолганини айтиб ёрдам сўрашади. Қишлоқ жойда “Тез ёрдам” етиб келгунча Музаффар би-ринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича олган билим-лари асосида болақайга ёрдам бериб, ўзига кепти-ради ва ҳаётини сақлаб қолади.

Қашқадарё вилояти, Қарши тумани ИИБ профи- лактика инспектори, капитан Шербек Тўрақулвога

вақт бўлган. У одатдаги иш кунларининг бирида режа асосида маҳалла ҳудудида юрган вақтида 5 ё

1-6

Саккиз миллион нусхадан зиёд хазинага эга Нимомиддин Мир Алишер Навоий номи билан аталадиган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бу йил ташкил этилганига 155 йил бўлади. Қарийб бир ярим асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган бу гўша халқимизнинг муқаддас масканига айлангани бежиз эмас. Негаки, кутубхонанинг фонди нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида энг йирик нурхоналардан бири. Ундаги XIII-XIX асрларда Мовароуннахр, Хуросон, Туркистон заминиди битилган кўлэзма ва тошбосмалар, XV-XVIII асрларда Ғарбий Европада чоп этилган нашрлар илмий, тарихий, маънавий жиҳатдан тадқиқотчилар томонидан эътироф этилиб келинади.

Жумладан, X–XI асрлар илм-фанига улкан ҳисса қўшган Шарқнинг буюк мутафаккири ва қомусшунос олими, Бағдоддаги “Байт ул-ҳикма” (“Донишмандлик уйи”) ислом олий мактаби раҳбари, маърифатпарвар ва давлат



“Муқаддима-ул-адаб” (“Адабиётга кириш”)

арбоби, исломшунос, қонуншунос Абулҳасан Мувардий (973 – 1058)нинг “Ал-аҳком ас-султонийа ва-л-валоёт ад-динийа” (“Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув қоидалари”) асари давлатни бошқариш санъатига бағишланади ва муслмон сиёсий таълимига бўйicha мумтоз асарлардандир.

Мувардий ўз асарида давлатчилик анъаналари, манбалари, яъни асослари, илк сайлов қонунчилиги, давлат раҳбари (султон), вазир ва бошқа маъмурий тизимлар борасида, ўрта асрлар давлатчилиги, ҳокимиятдаги вазифарларнинг бўлиниши, мансабдорларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақомлари ва ваколатлари, бурч ва мажбуриятлари ҳамда иш юритиш масалаларини қиёсий-илмий жиҳатдан ўрганган. Асар ўзининг долзарблиги, аинкича, кейинги авлод олимлари ишлаб чиққан ҳуқуқий (фиқх) назарияларнинг келажақдаги тизимли асосига пойдевор бўлгани билан қадрлидир.

Нодир китоблар орасида улуғ бобомиз Маҳмуд аз-Замахшарий (1075–1144) қаламига мансуб бўлган, қадимий кўп тилли лугатларидан бири “Муқаддима-ул-адаб” (“Адабиётга кириш”) асари ҳам бор ва у ҳижрий 701 – милодий 1302 йилда ёзилган. Яна бошқа бир кўлэзма – “Шарҳ Мулаҳхас фил Хайя” эса ўрта асрларда яшаб ўтган астроном Маҳмуд Чағманийнинг “Мулаҳхас фил Хайя” китобига Мусо бин Маҳмуд Қозизода Румий томонидан ёзилган машҳур шарҳлардир. Ушбу китоб ўрта асрлар Шарқидида олий ўқув юртиларда астрономия бўйича энг муҳим дарсликлардан бири бўлган. Китоб ўрта асрлардаги Самарқанд астрономик мактабининг асосчилари томонидан ҳам ўрганилган ва астрономияга оид бошқа йирик рисоаларнинг яратилишига катта таъсир кўрсатган.

Алоуддин Абу Бакр ал-Ахсикатийнинг “Ўз-жубат ал-фатава” асари X-XIII асрларда Марказий Осиё халқларининг ҳаёти, ҳуқуқий ва иқтимоий соҳалардаги муносабатларига бағишланган. Бу нусха 591/1195 йилда ёзилган бўлиб, бугунги кунда ушбу кўлэзма мазкур асарнинг энг қадимги нусхаси ҳисобланади. Шунингдек, Абу-л-Фатҳ ибн Абу Бакр ибн Абдулҗалил ал-Маргинонийнинг фиқҳга

8 000 000 НУСХАДАГИ ЖАВОҲИРЛАР

ёки Ўзбекистон Миллий кутубхонаси хазинасидан...

оид машҳур кўлэзмаси – “Китаб мажмуъу муҳтарот ан-навазил” (“Фикҳий масалалар мажмуаси”) асари ҳам диққатга сазовордир. Асарнинг ёзилган санаси: 651/1253 йил.

Кутубхонамиз хазинасидидаги яна бир нашр, “Қашф ул-вужух ил-ғурри ли маъани назм ид-дурр” (“Назм дурдоналари маъноларининг қашф қилиниши”) кўлэзмаси бўлиб, Хожа Муҳаммад Порсонинг шахсий кутубхонасига оид ҳисобланади. Кўлэзма XIII асрда кўчирилган. Жилд фолиантининг, яъни кутубхона манбаларининг ўн тўққиз жойида Хожа Муҳаммад Порсонинг муҳри босилган. Муқова чармдан ишланган.



“Histoire Sharh al-Mulakhxas fi-l-hayati

Ўрта Осиё кутубхона маданияти тарихини ўрганишда “Муҳаммад Порсо кутубхонаси”га бўлган эътибор сўнгги йилларда янада ортиб бормоқда, кутубхона соҳибининг илмий қизиқишлари борасидидаги муҳим маълумотларни ўрганиш имконини бермоқда. Мазкур кутубхонада сақланган кўлэзмаларнинг умумий аломатларидан бири унга босилган ромб шаклидаги муҳрлар бўлиб (бир кўлэзмага бир неча бор ёки бир кўлэзманинг ҳар бир варағида), уларда “вақф аз китоб Хожа Муҳаммад Порсо” ёки “вақф ин Хожа Порсо ибн Маҳмуд ал-Бухорий” каби жумлалар XVIII аср охири ва XIX аср ўрталари оралигидида турли саналарда битилган. Иккинчи аломати уларнинг биринчи варағида битилган араб тилидаги қайдлардир. Умуман олганда, мазкур кутубхонага тегишли 3 та кўлэзма, унинг таркибига кирган 7 та асар Миллий кутубхонамизда сақланади.

Тарихчи олим, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Комилжон Раҳимов Мустамлий Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида илмий-тадқиқий ишларини олиб борди. Мустамлий Бухорий ўз даврининг Куръон, тафсир, ҳадис, фиқх, калом, тасаввуф, фалсафа, тарих, тил ва адабиёт каби диний ва дунёвий билимларини чуқур ўрганган. Жумладан, тарихчи Самъоний Мустамлийнинг “фиқх ва ҳадис аҳлидан бўлгани, фиқх асосларида эса мутакаллимлар йўриғига эргашгани”, яъни унинг ҳа-

дис, фиқх ва калом соҳаларининг билимдони бўлгани тўғрисида эслатиб ўтади. Мустамлий Бухорийнинг бизнинг давримизгача етиб келган иккинчи асари форсча-тожикча “Шарҳ ат-Таъарруф ли-маъхаб ат-тасаввуф” (“Тасаввуф йўли билан танишув” асарига шарҳ) китоби бўлиб, унинг тасаввуф илмидидаги устози Абу Бакр Калободийнинг арабча “Ат-Таъарруф ли-маъхаб ахл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф ахли йўли билан танишув”) номли ҳажман кичик китобига шарҳ сифатида ёзилган.

Хорижий манбашуносларнинг қайд этишлари-ча, бугунги кунга қадар дунёнинг турли мамлакатларида “Шарҳ ат-Таъарруф” асарининг 16 та кўлэзма нусхаси топишган бўлиб, улар Покистон, Туркия, Эрон, Россия, Германия, Франция, Миср ва Ҳиндистондаги кўлэзмалар хазиналарида сақланмоқда. Бундан ташқари, ушбу тадқиқот давомида “Шарҳ ат-Таъарруф”нинг Ўзбекистонда ҳам 11 та кўлэзма нусхаси мавжудлиги аниқланди. Шундай қилиб, бугунги кунда “Шарҳ ат-Таъарруф” асарининг ҳаммаси бўлиб 27 та кўлэзма нусхаси мавжудлиги маълум бўлди.

Шулардан биттаси (№ПВ-16, 1289/1872-73 йил) кутубхонанинг Кўлэзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида сақланаётганини эътироф этиш лозим.

Фондимизда машҳур Альда Мануция босмахонасининг нашрлари, Даниянинг Эльзевирлар компанияси (XVI–XVIII асрлар) томонидан нашр этилган китоблар, шунингдек, 4000 тадан ортиқ Ғарбий Европа китоблари мавжуд бўлиб, улар Ғарбий Европа давлатлари тарихи, адабиёти ва санъатини ўрганиш учун қимматли манба ҳисобланади.

Бу ерда Марказий Осиё ҳақидаги жуда кўп сонли Ғарбий Европа китоблари мавжуд бўлиб, улар ўз вақтида бизнинг минтақамизни ва унинг тарихини ўрганишга Европада катта қизиқиш бўлганлигидан далолат беради. Улар Париж, Лондон, Берлин ва бошқа Ғарбий Европа шаҳарларида инглиз, француз ва немис тилларида нашр этилган. “Bibliothèque orientale” (“Шарқ кутубхонаси”) ёки “Шарқий энциклопедия” бизнинг фондимиз тўпламларида сақланаётган энг қадимий китоблардан биридир.

Уни таниқли француз шарқшуноси Бартоломей Эрболо тўғиб чиққан. Китоб 1647 йилда Парижда француз тилида нашр этилган. Китобда Марказий Осиё ҳудудларида яшаб ижод қилган буюк олимлар, шоирлар ва давлат арбоблари ҳақида 100 га яқин мақолалар мавжуд. Китобнинг 661-саҳифасида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. 877-888-саҳифалари эса Амир Темури ва темурийларга бағишланган.

Шунингдек, француз тилида нашр этилган ва “Histoire de Timur-Bec” (“Темурбек тарихи”) деб номланган таниқли ўрта асрлар тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафар-




“Histoire de Timur-Bec” (“Тимурбек тарихи”)

нома” (“Ғалабалар китоби”) номли асари ҳам темурийлар тарихига бағишланган. Таржимон – Пети де ля Кур. Китоб 1723 йилда Парижда тўрт жилдлик форматда нашр этилган.

Француз тилига таржима қилиниб нашр этилган яна бир китоб – буюк ҳукмдор Амир Темурийнинг “Institutes political and military...” (“Сиёсий ва ҳарбий тузуқлар...”.) номли асари ҳисобланади. Китоб майор Дэви ва арабшунос профессор Уайт томонидан форс ва инглиз тилларида нашр эттирилган ва унинг ҳажми 408 бетни ташкил қилади. Нашрининг оригинал нусхаси дастлаб туркий тилда ёзилган машҳур “Темури тузуқлари” асари ҳисобланади. 1610 йилда Яман подшоҳининг таржимони Абу-талиб Ал-Хусайн ушбу китобнинг аввал қирол Жаъфар кутубхонасида сақланганлиги ва 1610-1612 йилларда у “Тузуқлар”ни форс тилига таржима қилганлиги ҳақида ёзган. Кейинчалик, “Тузуқлар” инглиз тилига ҳам таржима қилинади.

Алишер Навоий асарлари эса фондининг ҳақиқий хазинаси саналади. Улардан шоир ҳаётлиги давомида ҳам, ундан кейин ҳам то XIX асрга қадар турли хил хатотлар томонидан қайта-қайта нусха кўчирилган. Ушбу қаторда Навоий ижодининг сўнгги ёрқин намунаси саналган уч қисмдан иборат бўлган “Маҳбуб ул-қулуб” (“Қалбга маҳбуб ҳикматлар”) асарини келтириш мумкин. Кўлэзмадан 1239/1824 йилларда хатот Холиқназар Халифа ибн уста Қўрбон томонидан қайта нусха кўчирилган. Шунингдек, “Ғаройиб ус-сиғар” (“Боғалик ғаройиботлари”) лирик шеърлар тўпламини ҳам алоҳида эслатиб ўтиш мумкин.

“HURRIYAT” ГАЗЕТАСИ ТАРИХИДАН
“Hurriyat” газетаси 1917 йил 16 апрель кунидан бошлаб нашр қилина бошлади. Газета адабий, иқтисодий, сиёсий йўналишда бўлиб, ҳафтаига икки марта қўйиб турган. Туркистондаги жадид матбуотининг энг нуфузли, дадил ва сермазмун газеталаридан бири “Hurriyat”-дир. “Hurriyat” гарчи Туркистоннинг бир вилояти марказида – Самарқандда чиқса ҳам, ўша пайтда ўлканинг марказий газетаси мавқеига эришган эди. Газетанинг биринчи муҳар-



“Хуррият” газетаси, 1917 йил 13 май сони.

рири Ақобир Шоҳмансуров бўлиб, 9-сонидан 26-сонигача Мардонкул Шоҳмуҳаммадзода муҳаррир бўлган. “Hurriyat”нинг бундан кейинги раҳбарлиги, асосан, Абдурауф Фитрат зиммасига тушган. Айрим вақтда Ҳожи Муин муваққат муҳаррир бўлиб турган. Жами газетанинг 9 та сонига унинг муваққат муҳаррир сифатида тахририятга бошчилик қилгани маълум.

“Hurriyat”нинг асосий ёзувчилари Маҳмудҳўжа Бехбудий, Саид Аҳмад Васлий, Саид Аҳмадхўжа Сиддиқий, Саид Ризо Ализода ва Ҳожи Муинлар эди. Шунингдек, Чўлпон, Садриддин Айний, Ғози Юнус, Уфадан Нуширвон Явушев, Хайруносов Айсин, Нажиб каби ижодкорлар ҳам ўз мақолалари билан қатнашиб турарди.

Газетанинг илк сониди Мардонкул Шоҳмуҳаммадзоданинг “Таъмини истиқбол” мақоласи босилган. Унда муаллиф мазкур газетанинг асосий вазифаси халқимизнинг маънавий камолоти, маърифати ва илми ривожига хизмат қилишдир, деган. Садриддин Айний эса “Ташақкур” мақоласида газетани инқилобнинг меваси сифатида баҳолайди.

Газетанинг 1917 йил 13 май сониди Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Мухтарам самарқандийларга холисона арз” мақоласи босилган. Унда муаллиф “...Эй ҳазрати уламо! Эй тўғжор, аҳли қасаба ва ағниё! Эй, ғайратлик ёшлар! Ниҳоқ ва бир-бирига душманлиқни ташлангиз. Худо ҳақи, арвоҳи анбиё ҳурмати ва бу кунларда қоринни тўйгазолмайтургон етим ва бевалар ҳақи бири-бирингиз ила иттифоқ этуб, жамиятлар барпо қилуб, холиқ Худонинг нафъига, дин ва миллат йўлига хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан хизмат ва яхшилиқ талаб этадур, нафсоният ва гурур эмас.

Эй ёшлар! Сиз ҳам бир оз оғир ва хушсуъ бўлингиз. Хурриятнинг аввалида ҳаёлийк сизга инонди, сизга ўзини ташлади, аммо сизлар тажрибасизлик этиб ва ўз орангизда ихтилоф кўрсатиб, халқнинг ўз боранигдаги хушғумонлигини, афсуским, йўқотдингиз. Мана шу тажрибасизлигингизни хотирингизга келтирунгиз ва бул ёшларга дарси ибрат бўлсун.

Мухтарам ёшлар! Замон сизникидур, қарилар замони ўткан. Сиз киромга бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. Ал-ақла минаш-шайтон! (Шошилган шайтондандир!) Бу фикрини бошингиздан чиқарингизким, сизнинг ўз бошингизга тараққий қилмоғингиз мушкулдур. Балки, бутун шаҳрингиз ва миллатингиз ила тараққий қилурсиз...” деб ёшларга мурожаат қилади.

Хуллас, “Hurriyat”нинг 1918 йил 30 апрелда чоп этилган 87-сон сўнгисига бўлган. Газета ўзбек матбуотининг ёрқин намунаси сифатида тарихимиз зарварақларидан мустаҳкам ўрин олган.

Умиди ТЕСАБОВЕВА,
Алишер Навоий номидида Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси директори,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

✓ КЎНГИЛ КЎЧИРМАЛАРИ

“СИНУС ВА КОСИНУС”СИЗ

Ҳар сафар фарзандларим математикадан дарс тайёрлаётиб, синус ва косинус ҳақида гап очиса, қалбимда бир оғриқ туради. Ҳеч нарса демайман. Юрагим гўжимланади — кўзимга кўринмас, лекин сезиларли оғриқ. Чунки болагимда “синус ва косинус” тушунчаси мен учун дарс эмас, жазолаш усули бўлган.

Болагим қишқоқда отган. Отам жуда қаттиққўл, шилдадати одам эди. Суяги меҳнатда қотган, ўзи ўқимагани учун мендан ўқиниш қаттиқ талаб қиларди. Унингча, “ўқимаган, математикани билмаган бола одам бўлмайди”гандек эди. Мен алгебралар синус билан косинусни яхши тушушмасдим. “Қарши қатет”, “гипотенуза”, “бурчак қаршисидаги қатет” — сўзлари мен учун мутлақо бегона — на мантиқий, на маънавий маъносини бор эди.

Бир кунги кечкурун ичи формулалар билан эмас, кўркүв билан тўлган қалин математика дафтарим отамнинг қўлига тушиб қолди. Қизил сиёҳ билан қўйилган гажакдор баҳоларимни кўриб:

— Нима, синус билан косинусни билиш шунчалик қийинми? — дея камар билан саваллай кетди.

Камарнинг зарбидан нафақат кўкариб кетган бадамин, балки қалбим ҳам қаттиқ оғриди. Назаримда, жисимдан кўра юрагим кўпроқ кўкариб кетганди. Ўша кеча тинмай ёмғир ёғди.

Мен ҳовлига чиқиб, ухламай ўтирдим. Қўлларимни учбурчак шаклида қилиб, бурчакларига қарадим. Синус билан косинусни изладим... Тополмадим. Катта бўлсам, фарзандларимни математикани билмагани учун ҳеч қачон урмайман, деб ўз-ўзимга ваъда бердим... Шу тариқа синусни тушунмаганим учун кўп марта калтак едим. Косинусни билганим учун кўп йиғладим.

Мактабдаги яна бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳали-ҳануз эслайман. Ҳар доимгидай математика ўқитувчимиз — Зулайхо опа дарсга кириб келарди. Қўлида бор-йўқлигимизни фош қилувчи журнал.

— Болалар, кеча тушунтирган мавзуним бўйича икки нафар бола доскага чиқиб, мисол ечади.

Ўша икки нафардан бири — айнан мен бўлдим. Иккинчиси эса Азизбек деган синфдошим. Доскага синус функциясининг графигини чиздим. Унча ўхшамади. Ўқитувчи жим.

— Синус нима, Абдунабӣ?

— Синус — у... у шундай қийшқ тўлқин, инсон ҳаётига ўхшайди. Бир пастга тушади, бир талага чиқади. Ҳаётдаги қийинчиликлардек...

Синфда гурусро кулги кўтариларди.

— Синус — бу сенинг хиссиётинг эмас!

Кейин ўқитувчимиз доскага чизма чизиб, дарс ўта бошлади: “Синус — бурчакнинг қаршисидаги қатетнинг гипотенузига бўлган нисбати”, дея жон куйдирарди. Биз эса ўша вақтда энди

нонга ёғ суришни ўрганаётган пайтими эди...

Мен бир нарсасга ҳайрон қолардим. Мактабда математик формулаларни, айланаларни, бурчакни тўғри чизишни ўргатишди. Лекин ҳаётда қачон ва қаерда керак бўлишидан, ҳаётнинг айлана, бурчак йўлларида қандай чиқишдан сабоқ беришмади.

Йиллар ўтди. Синусни ёд олганлар ҳам, косинусни яхши билмаганлар ҳам катта одам бўлишди. Аммо яхши инсон бўлиш учун формулалар етарли эмаслигини вақт кўрсатди. “Учбурчак ички бурчакларининг йиғиндис 180°” деб ўргатишганди. Лекин ҳаётда кимнингдир ҳиёнатни туфайли юракда пайдо бўлган бурчак 45°га айланиб қолиши ҳеч гапмас экан.

Илм зарурлигига шубҳа йўқ. Лекин математик билимлар инсон ҳаётига дахлдорми? Синусни яхши билган одам яхши инсон бўлиб кетадими? Косинусни ёд олган бола онани қадрлайдими, ҳалол яшайдими?

Шуларни ўйлар эканман, одамнинг юрагидаги бурчакларни формулага солиб бўлмаслигини, ота-онанинг дуоси “синус ёки косинусга” боғлиқ эмаслигини, яқинларинг озор берганида, бурчак қанчаллик қия эканини ўлчашнинг имкони йўқлигини тушуниб етдим.

Ҳаётда бурчаклар кўп — лекин уларнинг тангенсини ё котангенсини йўқ, Шаҳс камолоти учун инсонийлиқнинг ўлчови бўлолмайдими.

Бошқаларнинг кўнглига йўл топа



олсанг, дилингга озор етказганларни кечира билсанг — бу синуссиз ҳам энг мураккаб амалдир. Яна билганларим шуки, ҳеч бир синус сизни ўз фарзандингизга меҳрибон бўлишни ўргатаймиди, ҳеч бир косинус эркакни оиласини асрашга мажбур этолмайдими.

— Ҳозир тушунмасанглар, эртага ҳаётда қийналасанглар!

Ҳар гал дарсда шундай деб огоҳлантирарди ўқитувчимиз. Ҳаёт — биз учун ҳали бошланмаган, “эртага” ноаниқ бир манзил эди. Бизнинг эртამиз фақат имтиҳон, ҳеч бўлмаганда 4 баҳо олиш, кейин эса мактабдан чиқиб, сомса олиб ейиш бўлган. Ўша пайтларда ҳаётнинг графиг чизигидек тасаввур қилардик: талага чиқсанг — яхши ўқийсан, пастга тушсанг — калтак ейсан. Лекин тақдиримнинг бурчаги тан-

генсиз ҳам шаклланаётгандек эди. Биласизми, мен журналист бўлмоқчи эдим!

Йиллар ўтиб, газетада мухбир бўлдим. Кейин радиода, сўнг телевидениеда чиқишлар қилдим. Сўзларимда самимият, кузатувчанлик ва халқнинг дарди бўларди. Шундай кунларнинг бирида мени мактабга — ўқувчилар билан учрашувга таклиф қилишди. Математикани яхши билмаганимдан хабар толган ўқувчи қиз:

— Сиз синус-косинусни билмасангиз, қандай қилиб катта журналист бўлдингиз? — дея сўради мендан.

— Мен синус билан косинусни яхши англамаганман, рост. Лекин одамларнинг қалб тебранишини, яъни синусини, сўзининг юракка қандай таъсир қилишини ўргандим.

Саодат МУСАЕВА

дил дафтари

Саодат ЎРМОНОВА

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

“КЕЧИККАН” СУХБАТЛАР

Анча-мунча китобни ўқиб кўйган ўнинчи синф ўқувчиси бу сафар мутлоаадан бошқача, жуда бошқача таъсирланди: Дадаҳон Нурийнинг “Оқшом кўшиқлари” лирик киссасида баён этилган воқеа ва фожиали қисмат тасвири унга шу пайтга довур ўқиб чиққан китобларидан бутунлай фарқли туюлди. Хотимаси ҳам кутилмаган, ногаҳон рўй берган. Китобхон қаҳрамон тақдири мавҳумлигидан ҳаприқди, нимадир йўқотгандек ёки шу йўқотишда нимадир топгандек туйди ўзини. Ечим тушуниксиз, хафа бўлиш керакми ё хурсанд — буни-да билмасди. Аммо шуниси аниқки, киссадаги тоғ кизининг суврати уни бутунлай мафтун этган, фикру ёди унинг билан банд эди. Мактабга кетар чоғи, дарс маҳали, суҳбатларда ёки уй юмушларини бажараётиб — қаерда бўлмасин, унинг кўз ўнгига ўша тоғ манзараси, турфа чечаклар барқ урган боғ узра узок-узоқларга тикилаётган лўппи юз гўзал киз. Хуллас, бу хаёлнинг ҳали тугамаган хаёлий ишқи эди...

Орадан анча кун, ҳафта, ойлар ўтди. Ўқувчи ҳар гал кутубхонага кирганда ўзи билмаган ҳолда ўша ҳис-туйғуни изларди. Бу гал “Ўзбек шеърияти антологияси” томларидан бирини олиб varaқлай бошлади. Нендир изларди, лекин аниқ нима эканини ўзи-да билмасди. Навбатдаги саҳифани очаркан, беихтиёр “Воҳ!” деб юборди. Гўё бутун олам чақмоқ чаққандек ёришиб кетди! Чунки антология саҳифасида ўзбек шоираси, жарқўргонлик Раъно Узоқова ҳақида маълумот бор эди!

Раъно Узоқова. Бу ном танишдек туюлди, уни олдиндан билмагандек. “Жарқўргондан ҳам шоир-ёзувчи лар чиққан экан!” деб кўзларига ишонмай, қувончдан тўлқинланди. Шу учунми, Раъно Узоқова номи қалбининг тўр-тўрига ўрнашиб қолди ва Дадаҳон Нурий яратган тоғ кизи образи хаёлидан секин-аста чекина бошлади.

Бирдан айтиб қўямиз: шоирани жарқўргонлик дейилган бирор маълумот кейинчалик учрамади. Аммо барибир қалб кўрида гўзал ва париваш бир сиймо сақланиб қолдики, бу унинг ўз Раъноси, ўзининг жарқўргонлик Раъноси эди.

Орадан тагин йиллар ўтди. Йигит Самарқанд дорилфунунида ўзбек филологияси бўйича таҳсил ола бошлади. Шундай кунларнинг бирида Самарқанд вилоят газетаси катта байрам муносабати билан таниқли шоира Раъно Узоқовага бағишланган бир саҳифалик материалларни чоп этди. Кейинроқ эса шоирага атаб “Зарварақ” махсус наشري чиқди, унда ҳам шоиранинг шеър-ғазаллари босилди.

Булар йигит учун қиёссиз бахтли, қуёшдек порлоқ дамлар эди. Қўлида анча-мунча материал тўпланди, хуллас.

Ўқиши тугаб, йигит халқ маорифи соҳасида эмас, Жарқўргон газетасида ишлай бошлади. Тахририят ишларидан ортгани ҳамоҳиқ шоира ҳақида сўраб-суриштирар, афсуски, ҳеч ким, ҳатто оққўргонликлар ҳам

у ҳақда айтарли маълумотга эга эмасди.

Ҳар не ўз вақти-соати билан, албатта. Тасодифни қаранг, тақдир йигитни Болта Бойғучев деган бобо билан рўпара қилди. Болта бобо Иккинчи жаҳон урушига яқин йилларда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаган, энг муҳими, шоиранинг болалик дамларига гўвоҳ, у билан бирга ўйнаганларини аниқ эслайди, аммо бўлак нарса билмайди.

Шу билан тамом дейсизми? Йўқ! Тагин тасодифга раҳмат. Хўшлашар чоғимиз мотоциклнинг ўт олиб тариллаши шовқинида бобонинг баландлашган овози келади.

— Бобо биз билан хайрлашяпти, — деди мотоциклчи газни қайта қайта бураб, жўнашга чоғланаркан. Менинг эса юрагим безовта, нимадир сезгандек жидду жаҳд билан “Бобо бир нима демоқчи, тўхтанг!” деб қўлимни мушт қилиб, унинг биқинига кучли ниқтайман. Таққа тўхтайдди. Мотоциклъ овози тиниб, бобонинг нима деяётганини англадик: “Бадирга учрашдиларингми?” Воҳ, мана калаванинг учи! Бадир бова. Бу ўзи оддий гап-у, аммо маъниси осмон қадар.

— Ёзинг! — деди касбодшим Холмўмин Худойкулов. — Сизнинг бу ишингиз Тўхтасин Жалолов, Ираклий Андрониковларнинг ишидек улуғ ҳодиса. Арзимас иш қилдим деб хисобламанг ўзингизни! Ёзинг ва газета-журналга беринг. Ҳамма жойга кетади материалингиз: вилоятда ҳам, республикада ҳам чиқсин, қўлма-қўл ўқилади, кўрасиз.

Ҳақиқатан, ишлар силжиб, материалларимиз матбуотда ёритилди. Самарқанд билан алоқа боғланиб, мавзу бўйича ўзаро хатлар ёзишдик, Раҳимаҳон (шоиранинг кизи) билан унинг Самарқанддаги хонадонида кўп бора суҳбат қурдик. Бу орада адабиётшунос Абдуғафур Расуловнинг билдирувиغا сўяниб, шоира Раъно Узоқова юбилейини 1976 йил 16 март куни Жарқўргонда ўтказиш ишлариға киришиб кетдик. Худди шу пайтлар эди, обком партиядаги суҳбат чоғи изланишу топганларим ҳақида хабардор қилинган ва ўша куни кечга яқин уйимга етиб келган деновлик адабиётшунос олим Тоштемир Турдиевга тўпланган барча қимматли материалларимни, сафимиз кенгаймоқда, дея қўшқўллаб тутқазибман.

Республика “Ўзбекистон маданияти” (кейинчалик “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”) газетида юртнинг энг номдор ёзувчиси тўпланган материаллари қўшқўллаб тақдим этганим — Акага “кажавали мотоциклда, юк машинасида шоира дарагини излаб далао даштлар кезди”, дея маълумлаб турса, одам бир бошқача бўларкан. Атрофимда буни англаган фақат бир киши бўлди: шогирдим, журналист Маҳкамтош Чориева.

Ўша йилнинг декабрь ойи. Ёзувчилар уюммаси қарори билан Термиз олий билимгоҳида шоиранинг юбилейи ўтказилди. Мен, обком партиянинг адоғи йўқ турли юмушлариға боғлаб ташланган одам, тадбирга иложини қилиб бордим ва мавзу бўйича сўз олдим. Ушанда кўпларга кўп гап англашилгандай бўлди, чамамда.

Шу пайт телефонга қақирилдим. Уйдан экан. Кутилмаганда масала



яна шу ҳолича қолди ва бу ёғига ишларни ўз равишига қўйвордим.

Булдуриқ куш учганича учаверсин қани!

Булдуриқ куш зўр учаверди лекин! Менинг хаёлимда бўлса софдансоф ниятлар ила Раъно Узоқова. Жарқўргонлик шоиранинг шеърлари, ғазаллари, дostonлари, ҳикояларини “булдуриқ куш” бирин-кетин китоб ҳолича чиқараверди, эътирофу эътибордан тушмади. Бизнинг хисса-хизматлар “ўтин ёрган болта ташида қолар” бўлди.

Тегишли мавзуда мақола олиб борғач, аслида, воқеа қандай содир бўлгани журналист Исроил Шомировга аёнлашди ва дастлаб каминанага ғалати муносабат билдирди. Ишиға пухта бу одам масала моҳиятини англамагунча кўярда-қўймай сўради-суриштирди ва бинобарин, унинг фикри тадрижий равишда ижобий томонга ўзгарганини кўрдим. Кейинроқ билсам, бойсунтоғлик бу дангалчи ижодкор Ақанинг ўзига: “Ҳеч йўқ ҳаммуавлифликда чиқарсангиз ҳам бўларди-ку”, деган экан гапни қўзиб утирмай. Шуйтиб “Сурхон ёшлари” газетаси “Фарзандини унутмаган эл”, “Шоира ўқиган даргоҳда” каби ва бошқа номлардаги бир нечта материалларни чоп этди.

“Миллий тикланиш” партиясида ишлаётган кезларим Денов бўлинмамиз раҳбари Хуррам Райимов идорамизга шоша-пиша кириб келаркан: “Нега шоирамизга бағишланган тадбирда йўқсиз? Ахир уни сиз кашф этмаганмисиз? Ҳозироқ ўша жойға боринг, ака!”, деб қолди. Одамга чақмоқ чаққан каби таъсир қилувчи бир ҳолат. Сапчиб ўрнимдан туриб кетаман ва сонияларда ўз шаштимни ўзим қайтариб, “Таклиф этилмаган бўлсам, қандай борамак?” дейман.

— Эҳ, сиз! — дейди қўлини асабий силтаб Хуррамбой. Бироқ бошқа ҳеч нима демади.

2023 йилнинг тўртинчи май куни. Денов темир йўл вокзалида мени Кўлдош ака Пирнаев кутиб олди. Педколлег директори муовинлигидан нафақага чиққан бу инсон шоирамиз кўтирасини эъзолашда хизматлари сингган. Хабарим борки, Самарқандга борган, Раъно Узоқованинг қабрини зиёрат қилган, яқинлари билан ҳам учрашган.

Келишувга кўра, тўғри Ақанинг уйига йўл олдик. Сокин Денов кўчаларидан ўтиб, катта гиштин кўҳна уйнинг маҳобатли дарвозасини тақиллатамиз ва ҳовлидан Ақанинг овози келади. Ичкарилаймиз. Ўриндикда жойлашгач, бирмунча муддат илгари қайтиш қилган ўғлининг хотирасига Қуръон тиловат қилдик. Шундан кейингина мақсадга кўчамиз. Бир вақтлар унга берилган хужжатларни йўқолиб кетмасин учун музейга топшириш ниятимиз борлигини айтдик. Ака: “Булар менда эмас, барчаси коллежда турибди. Бемалол олиб кетаверинглар!” дейди. Гапининг исботи сифатида коллежга телефон ҳам қилди. Хушвақт бўлдик.

Сўнг у ён-бу ёндан суҳбатлашиб, анча дадиллашиб қолғач, ёшлари саксондан ошган киши хафа бўлмасин, деган кўнглида авайлаб сўради: “Ака, бир пайтлар шоира ҳақидаги барча материалларимни сизга берганим борасида бирон марта эълон қилмадингиз, тилга ҳам олмадингиз-я!”

— Йўқ, эълон қилганман. — Кани, қаерда? — Қуриб айтаман... Жойимиздан кўзгалдик. Қўлдош ака “Қандай юрак ютиб айтолдингиз? Қойил сизга”, деди катта таажжуб билан.

Шу ора телефон келади, кўрсамки, Ақанинг ўзи. “Топдим!” дедилар. “Қўлимда турибди. Мана, “Муҳаббат қўшиғи” китоби. Батафсил ёзилган. Жарқўргонда сўзга чиққансиз, изланишларингизни батафсил баён этгансиз! Китобни сизнинг сўзингиз, қилган ишларингиз билан бошлаганман, Абдуллажон!”

— Гап сизга тақдим этганим ёзма далил, маълумот ва материаллар ҳақида кетаяпти.

Ака тарадудланмайди, иккиланмайди ҳам.

— Унисини энди ўзингиз ёзинг! Тақдир тақозасига кўра таниқли шоира Раъно Узоқова Сурхон юртида яшади. Аввал Жарқўргонда, сўнг Термизда. У шу ерда ўзининг энг гўзал шеърларини ёзди. Сўнг Самарқандга кетади, у ердаги вилоят газетасида ишлайди. Таниқли давлат арбоби ва адиб Шароф Рашидов билан бирга ишлаш насиб этади. Бу борада сурхондарёлик маънавият фидойиси Тоштемир Турдиев ҳам кўп изланишлар олиб борган. Ҳатто ўша вақтларда республикамизнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Шароф Рашидовнинг қабулиға ҳам кирган. Раъно Узоқованинг ижодиға эътибор қаратилиб, унинг юбилейи ўтказилиб, шоиранинг “Субҳидан қалдирғоч” деб номланган сайланма шеърлар китоби чоп этилган.

Юқоридаги воқеаларни эслашдан мурод шуки, Сурхон эли Раъно Узоқовадек гўзал шоираси, фарзанди бор эканлигини ҳеч қачон унутмайди. Уни доимо ардоқлайди. Шоира номини қалбларига жо қилган инсонлар ҳамоно шу юрда яшаётганини изҳор қилишни истайди.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси аъзоси,
“Зараутсой” жамоатчилик маркази раҳбари.

ХОРИЖ

КУЧЛИ СУПЕР ИНТЕЛЛЕКТ

“Мета” асосчиси Марк Цукерберг АҚШда улкан сунъий интеллект маълумот маркази куриш учун юзлаб миллиард доллар сармоя кириштишини маълум қилган.

Унинг айтишича, “Prometheus” номли биринчи кўп гиватттли мажмуа 2026 йил Огайо штатида ишга тушади. Яна бир мега марказ — “Hyperion” Луизианада барпо этилади ва 2030 йилгача тўлиқ фаолият бошлайди. Баъзи ҳудудлар майдони бутун Манхэттен оролиға тенг — 59 км² бўлиши мумкин.

Цукерберг компания “энг ақли инсонлардан ҳам устун” сунъий интеллект ва супер интеллект яратишга интилаётганини билдирди. Аини мақсадга эришиш учун бир неча йирик титан класстерлар куриляпти. Айрим мажмуалар йиллар давомида беш гиваттгача кучайтирилади.


Мутахассислар бундай йирик инфратузилма энергия ва сув сарфини кескин оширишиға эътибор қаратган. Тадқиқот хулосаси 2027 йилгача СИ марказлари глобал миқёсда 1,7 триллион галлон сув истёмоқ қилиши мумкинлигидан дарак бермоқда.



ЭРКИН САВДО ҲУДУДИ ШАРТНОМАСИ

Хитой — АСЕАН эркин савдо ҳудуди бўйича маслаҳатлашувчи якунланган. Энди ҳужжатни имзолаш зарур. Бу ҳақда Хитой ташқи ишлар вазирлиги Ван И Куала-Лумпурда АСЕАН вазирлари анжумани якуни бўйича журналистларга баёнот берган.

— Ҳозирги мураккаб шароитда Хитой ва АСЕАН давлатлари бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик қилиш ва муаммоларға жипслашиб қарши туриш иродасини намоён этди, — деган у ўз идораси сайтида тарқатилган хабарда. — Томонлар Хитой — АСЕАН эркин савдо ҳудуди 3.0 бўйича маслаҳатлашув нихоясига етганини тасдиқлади ва тегишли ҳужжатни шу йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган саммитда тасдиқлаш ва имзолаш учун тақдим этишға келишиб олди. Бу қарор минтақавий иқтисодий интеграцияни ривожлантириш ва юқори даражадаги эркин савдо тармоғини барпо этишда давом этишимиздан далолат.



БРИТАНИЯ СУРИЯЛИК МУҲОЖИРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюк Британия Қироллиги суриялик муҳожирлардан тушган, бошпана сўралган аризаларни яна кўриб чиқа бошлаган. Бу жараён Башар Асад режими ағдарилгача, 2023 йил декабрда вақтинча тўхтатилган эди. Ички ишлар вазирлиги етарли маълумот йиғилгани боис, шу қарорга келган.

“BBC” маълумотиға кўра, жорий йил 20 нафардан зиёд суриялик ихтиёрий равишда мамлакатига қайтган, минглаб бошпана изловчи эса мажбуран қайтарилиши хавфи остида. Олдинроқ расмийлар йил охиригача мажбурий депортация бошланиши мумкинлигини маълум қилган эди.

Янгиланган йўриқномада умумий беқарорлик ёки уруш ҳолати бошпана бериш учун етарли асос эмаслиги, ҳар бир ариза шахсий хавф даражаси асосида кўриб чиқилиши лозимлиги қайд этилган.



“AIR INDIA” ҲАЛОКАТИ САБАБЛАРИ ОЧИҚЛАНДИ

Ҳиндистонда жорий йилнинг 12 июнь куни содир бўлган “Air India” самолёти ҳалокати бўйича дастлабки тергов хулосаси эълон қилинди. Маълум бўлишича, парвоз вақтида двигателларға ёнилғи узатилиши тўхтаб қолган. Самолёт ҳавога кўтарилгандан сўнг, дарҳол пастга қулаган. Ҳодиса оқибатида 260 киши ҳалок бўлган.

Мамлакат Авиация ҳодисаларини тергов қилиш бюроси “Boeing 787 Dreamliner” бошқарув пултидаги ёнилғи бериш тугмаси “Run”дан “CUTOFF” ҳолатига ўтказилган. Натижада двигателлар ишлашдан тўхтаган. Овоз ёзувида учувчилар бу ишни қим қилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги суҳбат сақланиб қолган. Дарвоқе, тугмалар фақат қўлда ҳаракатлантирилади, автомат ўзгариши деярли имконсиз.

Лондон томон 242 йўловчи ва экипаж аъзолари билан парвоз қилаётган мазкур учокда 169 ҳиндистонлик, 53 британиялик, 7 нафар португалиялик ва биргина канадалик бор эди. Фожаа туфайли самолёт келиб урилган тиббиёт коллежи ётоқхонасида ҳам талафот юз берган.

“Air India” компанияси фожиадан азият чекканларға ҳамдардлик билдириб, тергов билан тўлиқ ҳамкорлик қилишини таъкидлади. Марҳумларнинг яқинлари эса адолатли текширув ўтказиш ва бундай ҳолатлар такрорланмаслиғига эришиш зарурлигини талаб қилмоқда.



ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАШАББУСИ

Корея Республикаси Президентини Ли Чжэ Мён лавозимига қиришгандан кейин биринчи марта Миллий хавфсизлик кенгаши йиғилишиға раислик қилди ва яна бир бор Пхеньян билан бузилган алоқани тиклашға қақирган. Бу ҳақда “Yonhap” хабар тарқатган.

“Корейсепаро тинчлик миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишнинг энг тўғри ва амалий усулидир”, деган у.

Шунингдек, давлат раҳбари миллий хавфсизликка таҳдиднинг олдини олиш учун ўзгарувчан ҳалқаро тартиб, Жанубий Кореядаги сиёсий вазият ва Шимол билан боғлиқ омилларни кенг муҳокама қилишға қақирган. Ярим оролда “тинчлик ва бирга яшаш”ни мустақамлаш учун ўзаро мулоқот ўрнатишға интилишини билдираркан, Ли КХДР билан “барқарор, узок муддатли муносабат” зарурлигини таъкидлаган.

Интернет маълумотлари асосида Исом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.



МУЖДА

“САЙРОБ” ВА “КАТТА ВАХШИВОР”ДА...
намунали маданият марказлари иш бошлади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлиғида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар учун муносиб шарт-шароитлар яратишға қаратилган кенг қўламли ислохотлар изчил давом этмоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳар бир туманда концерт-томоша заллари, кутубхона, кинозал, турли тўғарақлар хоналари фаолиятини таъминлаш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш муҳим вазифалар сифатида белгилан берилган эди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоятининг туман ва шаҳарларида маданий-маърифий соҳани ривожлантириш бўйича аниқ дастур асосида ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳудуддан 15 та маданият муассасаси ташлаб олинди, “Намунали маданият маркази”га айлантириш ишлари амалға оширилди.

2024 йилда вилоятнинг Бандихон, Денов, Жарқўргон, Қизирик, Қумқўргон, Музабот, Сармисие, Тер

миз, Узун, Шеробод, Шўрчи туманлари ва Термиз шаҳридаги маданият марказлари иш бошлаган бўлса, жорий йилнинг июль ойи бошларида Бойсун туманидаги “Сайроб” ҳамда Олтинсой туманидаги “Катта Вахшивор” маҳаллаларида ҳам замонавий, тўлақонли фаолият юритувчи маданият марказлари фойдаланишға топширилди.

Намунали маданият марказларида кенг томоша зали, маънавият ва машгулот хоналари, рақс, мусика, фольклор ва бошқа йўналишлардаги тўғарақлар учун алоҳида хоналар барпо этилган. Шунингдек, электрон кутубхона, ахборот-ресурс маркази, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ёшлар ижодий студиялари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Яратилган бундай қулайликлар ҳудуд аҳолисига маданий ҳордиқ чиқариш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг иқтидори ва истеъдодини ривожлантириш, шу билан бирга миллий ва маънавий қадриятларни тарғиб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Марказлар иш бошлаши муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирларда ҳудуд фаол-

лари, фахрийлар, маҳалла вакиллари, ёшлар иштирок этди. Тадбир доирасида янги маданият масканларидаги шарт-шароитлар, тўғарақлар фаолияти, техник ва интерактив жиҳозлар билан яқиндан танишув бўлиб ўтди.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда 117 та маданият муассасаси фаолият юритмоқда. Уларда 2 300 нафардан ортиқ маданият соҳаси мутахассислари аҳолиға кенг қамровли маданий-маърифий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Улар, жумладан, миллий ва замонавий санъат тўғарақлари ташкил этиш, концерт ва театр намойишларини уюштириш, китобхонликни тарғиб қилиш, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ёшлар билан тарбиявий ишлар олиб бориш, ҳунармандчилик ва миллий анъаналарни сақлаш каби йўналишларни қамраб олган.

Шубҳа йўқки, “Сайроб” ва “Катта Вахшивор”даги каби намунавий маданият марказлари ҳудудларда маънавий муҳитни янада бойитиш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялашда муҳим омил бўлади.

Ҳумоюн НИЗОМИДДИНОВ,
“Hurriyat” мухбири.

ТАЪЛИМ

ЁШЛАР — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ

“Сайёрамининг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат”.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ушбу чақириғи бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб бермоқда. Президентимиз ташаббуси билан ёшларга муносиб шароитлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш ва ташаббусларини рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги глобаллашув ва инновациялар даврида ҳар бир давлатнинг келажаги, аввало, унинг билимли, иқтидорли ва фидойи ёшларига боғлиқ. Юртимизда ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шароитлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Биз ўз олдимизга қўйган, ҳар томонлама ривожланган Янги Ўзбекистон давлати ва жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улкан вазифани бажаришни мақсад қилганмиз. Бу замонавий билим ва кўникмаларни чуқур ўзлаштирган, юқори малакали, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар кадрлар тайёрлашнинг умумэтироф этилган халқаро стандартлар асосидаги инновацион тизимини шакллантириш борасидаги ишларимизни сифат жиҳатидан янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Андижон давлат университети — бизнинг таълим масканимиз республикамиздаги нуфузли университетлардан бири ҳисобланади. Ҳозирга келиб университетда 8 та факультет, 30 та кафедра, 2 та марказ фаолият олиб бормоқда.



Илмий кенгашлар сони босқичма-босқич ошириб бориляпти. 2025 йил ҳолатига кўра, университетда илмий даражалар берувчи 7 та Илмий кенгаш фаолият юритмоқда.

Университетда 2024-2025 ўқув йилида “Scopus” халқаро илмий-техник маълумотлар базасидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар сони 123 та бўлиб, ҳар бир профессор-ўқитувчиларга нисбатан тахлил қилинганда, бу кўрсаткич ўртача 19,3 фоизни ташкил этади.

Давлат илмий-техник дастурлари доирасида 2024-2025 ўқув йилида университетда 3 та илмий инновацион ишланмалар ва лойиҳалар бажарилмоқда.

Университетимизда 2 та илмий-тадқиқот маркази мавжуд бўлиб, ўртача 23 дан



ортиқ ходим фаолият кўрсатади.

Энг муҳими, университетимизда талаба-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини намоён қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Талабаларнинг қизиқишларини инobatга олган ҳолда, таълим ўчоғида интеллектуал, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган тўғарақлар, талабаларнинг қизиқишлари бўйича 10 дан ортиқ клублар ташкил этилган. Жумладан, “Заковат”, “Дебат”, “Медиа” ва “Спорт” клублари, “Талабалар театр студияси”, “ҚВЗ”, “АРТ-терапия”, “Китобхонлар”, “Волонтерлар”, “Талаба-қизлар” клублари фаолият юритиб келмоқда.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга ёрдам бериш, назарий ва амалий билим даражасини ошириш мақсадида 30 дан ортиқ тўғарақлар фаолият юритмоқда. Ушбу тўғарақларда талабаларимиз ўз қобилиятларини намоён қилиб, турли лойиҳаларда ижодий ривожланишларига имконият яратилган.

Талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда жисмоний чиниқишлари, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятини намоён қилишга ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган “АД” спорт клуби ташкил этилган бўлиб, ушбу спорт клубида 5 та спорт тури

(футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат) бўйича спорт секциялари фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Ёшлар ҳафталиги”, “Ректор кубоғи”, “Ёшлар оқшоми” маданий тадбирлари, “Заковат” интеллектуал ўйинлари ҳамда “Student's party” (Талабалар оқшоми) маданий кўнгилочар тадбирлари, “Беш ташаббус олимпиадаси”, “Кувноқлар ва зукколар”, “Талабалар театр студиялари” танлови, “Ош чемпионати”, “Shashlik day”, “Мунозара” каби танловлар ташкил этилиб, ғолибликни қўлга киритган талабалар пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан таъдирлаб берилмоқда.

Университетда талабаларнинг сифатли

таълим олиши ва дарсдан ташқари вақтини мазмунли ўтказиши ва ҳордиқ чиқариши учун замонавий талабларга мос шароитлар муҳайё қилинган. Яратилган шароитлардан мамнун талабаларимиз эса бор куч-ғайрат ва истеъдодларини ишга солиб, чуқур илм олиш билан бирга, илмий анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиб, қувонарли натижаларга эришмоқдалар.

Хусусан, 2024-2025 ўқув йили давомида университет талабалари бир қатор муҳим ютуқларга эришди. 9 нафар талабамиз халқаро фан олимпиадасида муносиб иштирок этиб, 2 та олтин ва 1 та бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, 11 нафар талаба Президент ва бошқа давлат

балари — Дилафрўз Расулжонов ва ҳамда Музаффар Раҳимов ўз лойиҳалари ва ташаббуслари билан фаол иштирок этиб, “Энг фаол қатнашган иштирокчи” номинацияси ғолиблари деб топилдилар.

Фахрланасак арзийди, жаҳон чемпионатида 21 нафар талабамиз юқори натижаларни қўлга киритди, Осиё чемпионатида 2 нафар талабамиз фахрли 3-ўринга сазовор бўлди. Республика миқёсида эса 86 нафар талабамиз спорт ва кўрик-танловларда фаол қатнашиб, совринли ўринларга эришди ҳамда мукофот (диплом) ларга сазовор бўлди.

Юқорида айтганимиздек, юрт тараққиёти, жамият барқарорлиги ва ижтимоий юксалиши — бу, энг аввало, ёш авлоднинг



стипендиялари совриндори бўлди.

Спорт соҳасидаги ютуқлар ҳам эътиборга молик. Жорий йилнинг 10-23 май кунлари ўтказилган “Талабалар лигаси” спорт мусобақаларининг республика босқичида университетимиз жамоаси футбол бўйича фахрли 1-ўринни, баскетбол бўйича 2-ўринни ва кураш бўйича яна 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, “Универсиада” спорт мусобақаларида волейбол (аёллар ўртасида) бўйича 2-ўрин, стол тенниси ва стритбол (аёллар ўртасида) бўйича мос равишда 2- ва 3-ўринлар қўлга киритилди.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. “Интеллектуал ҳафталик” доирасида ўтказилган республика миқёсидаги “Заковат” мусобақасининг Брейн-ринг йўналишида университет жамоаси 3-ўринга сазовор бўлди.



Бундан ташқари, 2025 йилнинг 21-24 май кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Мирзо Улуғбек ворислари” танлови ва “Талаба Ехро — 2025” кўргазмасида университетимизнинг ахборот технологиялари инжиниринг факультети тала-

билим, салоҳият ва тарбиясига боғлиқ. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан туриб билдирган фикрлари нафақат эзгу даъват, балки умуммиллий устувор вазифа сифатида ҳаётга жорий этилмоқда.

Университетда олиб борилаётган ишлар — бу ислохотларнинг муҳим ҳалқаси. Ёшларга кўрсатилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар эса Янги Ўзбекистон пойдеворини мустаҳкамловчи асосий омиллардандир.

Андижон давлат университетида талаба-ёшларнинг илмий, спорт, маданий ва ижодий салоҳиятини янада ошириш, уларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун қуйидаги йўналишларда истиқболли режалар ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Жумладан:

— халқаро ва республика миқёсидаги



орқали уларнинг илмий тадқиқот фаолияти қўллаб-қувватланади;

— етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда онлайн ва офлайн илмий семинарлар, маҳорат дарслари йўлга қўйилади;

— спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида мунтазам ички мусобақалар, “Ректор кубоғи” ва спорт фестиваллари ташкил этилади;

— иқтидорли спортчи-талабаларни халқаро спорт мусобақаларига тайёрлаш бўйича алоҳида машғулотлар тизими жорий қилинади;

— университет спорт базаси янгиланади ва барча спорт турларига мос замонавий иншоотлар барпо этилади;

— малакали мураббийлар ва спорт усталари жалб қилиниб, талабалар ўртасида профессионал спортга йўналтириш кучайтирилади;

— талабалар театр студияси, рақс ва мусиқа ансамблларини қўллаб-қувватлаш орқали университет миқёсида маданий тадбирлар сони кўпайтирилади;

— “Ижодий ҳафталиклар”, “Талабалар театр студиялари”, “Маърифат майдони”, “Юртимиз қадриятлари” ва “Ижодкорлар фестивали” каби танловлар мунтазам ўтказилади;

— халқ ижодиёти, миллий мерос ва замонавий санъат йўналишида ижод қилаётган талабалар учун устоз-шоғирд мактаблари ташкил этилади;

— “Заковат”, “Брейн-ринг”, “Китобхонлар беллашуви” каби интеллектуал танловлар мунтазам равишда ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилади;

— республика ва халқаро кўрик-танловларда университет номидан иштирок этувчи жамоалар учун махсус тайёрлов маркази ташкил этилади;

— танловлар натижалари асосида етакчи талабалар рўйхати шакллантирилиб, уларга индивидуал ривожланиш режалари тузилади;

— ҳар йили “Йил талабаси” кўрик-танловининг “Энг фаол талаба”, “Йил ихтирочис”, “Йил спортчиси”, “Йил маданият фаоли” каби номинациялар бўйича мукофотлар жорий қилинади;

— иқтидорли ёшлар учун хорижий таърибга алмашув дастурларида иштирок этиш имконияти яратилади;

— талабалар ташаббуси билан амалга оширилган лойиҳаларга университет раҳбарияти томонидан грантлар ажратилиши йўлга қўйилади.

Ҳа, юқоридаги каби кўплаб истиқболли режалар Янги Ўзбекистонда маърифатли, билимли, ватанпарвар ва жаҳон майдонида муносиб ўрин эгаллай оладиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларнинг узвий давомидир.

Бахтиёр АКБАРАЛИЕВ,
Захирдин Мухаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети ректори,
техника фанлари доктори.



“ЗОМИН – 2025”

ЖИЛҒАЛАР ҲАҚИДА ОРЗУ

Чопиб бораётган вақт Ўрклисойнинг суварига ўхшайди гўё. Шошқин, тошқин, ўйноқи... Оқ салла кийган болардек виқорли Зомин тоғлари бағридан оқиб тушаётган сойнинг азим қўшиқларини тинглаш, бу баҳаво табиат кўйида шеърлар ёзиш, ҳикоялар битиш бахти, мана, йигирма саккиз йилдирки, республика ёш ижодкорларининг Зомин семинари иштирокчиларига насиб этиб келаётир.

Бундан йигирма йиллар муқаддам азим тоғлар бағрида кечган семинарда кўрганамиз, ўрганганимиз қанчалик кўп бўлган бўлса, билмаганимизни билиш, адабиётнинг ёруғ ва муаззам йўлига ки-

риш ёш қаламкашдан нечоғлиқ улкан тардуд талаб этишини ҳис этганмиз. Абдулла Орилов, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Азим Суюн, Муҳаммад Юсуф каби устозларнинг сабоғини тинглаш, Иқбол Мирзо, Фарида Афрўз, Салим Ашур, Зебо Мирзо, Сирожиiddин Рауф каби навқирон шоирларнинг ўз овозларидан янгароқ шеърлар тинглаш саодатиға ҳам муяссар бўлганмиз. Зомин семинари натижаси ўлароқ, бугун адабиётимизда Шодмонқул Салом, Гулжамол Асқарова, Муҳиддин Абдусамод, Озода Бекмуродова, Шухрат Ориф, Носиржон Жўраев, Дилрабо Минабоева, Беҳзод Фазлиддин каби куплаб ўрта авлод вакиллари ети-

шиб чиқдики, улар бугун адабиётимизда ўз йўлига эва бўлган ижодкорлардир.

Семинарнинг бу йиласида ҳам юздан ортиқ қалби адабиётга ошурфта ёшлар иштирок этишди. Уларнинг назму насрда, публицистика ва таржимаю болалар шеърлятида ёзганлари, изланишлари ҳакамлар назаридан ўтказилди. Машғулотлар давомида ёш иштирокчилар устозларнинг тавсиялари, фикрлари, маслаҳатларидан баҳраманд бўлишди.

Вақт — олий ҳакам. Орадан яна ўн йил ўтар, йигирма йил кечар. Шеърларини бир кучоқ гулдек тутиб, ҳаяжон ичра шеър, ҳикоя ўқиган сингиллари-

миздан Зулфияхоним, Раъно Узоқова, Ойдин Ҳожиёва, Ҳалима Худойбердиева, Саида Зуннуовалар, кўзи чақноқ, қалби уйғоқ укаларимиздан сўз заргарлари чиқар, бу жилғалар бир ажиб дарёларга дўнар, балки... кун келиб Одил Ёқубов, Шукур Холмурзаев, Тоғай Мурод, Хайриддин Султон, Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Усмон Азим, Сирожиiddин Саййиддек яна сўз заргарлари чиқар. Бу жилғалар бир ажиб дарёларга дўнар, иншооллоҳ!

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси масъул ходими.

ҲАЁТИМДА ИЗ ҚОЛДИРГАН ЗОМИН

Зомин семинари ҳақида қачон эшитганим ёдимда йўқ. Лекин унинг иштирокчиси бўлишни истаганим, эл севган шоир ва ёзувчилар билан учрашишни орзулаганимга анча бўлди. Не бахти, бу йилги Зомин ёш ижодкорлари семинарида ижод мактаблари ўқувчилари ичида қатнашиш бахтига мушарраф бўлдим. Уч кун Зомин тоғлари орасида кечган семинар ижодий фаолиятимда катта бурилиш ясади, десам, янглишмайман.

Семинарнинг энг илҳомли дақиқаларидан бири — севимли шоиримиз, устоз ижодкор Сирожиiddин Саййид билан мулоқот бўлди. Устознинг “Адабиёт — бу юрак касби. Қалбингизда оғриқ бўлмаса, қоғозда жонли сўз туғилмайди”, деган гаплари ижодкорларнинг қалбига чуқур таъсир қилди. Жиззахдаги якуний учрашувда иштирокчиларнинг кўзида ўзгариш, қалбида эса янги орзулар ёниб тургани аён эди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бир қанча ҳомий ташкилотлар томонидан барча иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Бир сўз билан айтганда, семинар ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Бу семинар менга фақат билим эмас, балки янги тажриба, янги дўстлар, таржимонлиқда теран фикрлаш ва ижода бўлган муҳаббатни ҳада этди. Шу ўринда юртимизда ёшларга шундай имкониятлар эшиги очилганини кўриб, шу юртининг фарзанди эканимдан фахр ҳисси жўшурди. Дўрмондан бошланиб, Жиззахда якунланган бу саёҳат қалбимда абадий из қолдирди. Ҳар бир устоз, ҳар бир шеър, ҳар бир сўз мени ўзгартирди. Бу семинар мени кўз билан эмас, юрак билан кўриш, қалам билан эмас, қалб билан ёзишга даъват этди.

Мухтасархон АБДУРАШИДОВА,
Исҳоқхон Иброт ижод мактаби ўқувчиси.

КИТОБ БЎЛСА ДЎСТИМИЗ

Олисдаги ўрмонда
Юрган экан олмахон.
Саёҳатга борувдим,
Кўриб қолдим ногаҳон.

Қулоғида зираги,
Думчасида кўзмончоқ.
Қўлларида саватча,
Оёқларида бошмоқ.

Саватга гул тераркан,
Ўйнаб қўшиқ айтаркан.
Яшил арча тағида,
Тилла ёнғоқ чақаркан.

Буни кўриб бирпасда,
Ҳана-у манг бўлиб қолдим.
Вой тавба деб, қўлимга
Бир тилла ёнғоқ олдим.

Тилла ёнғоқ менинг ҳам
Кўзларим қамаштиради.
Ишонинг, у ҳам мени
Йўлимдан адаштиради.


Чўчиб уйғониб кетсам,
Ҳартуғул, тушим экан.
Ўқиётган китобим
Ҳамон қўлимда экан.

Уйқу бирам ширин-эй,
Тушларим-чи ажойиб.
Тиллолар кўрсам баъзан,
Кўз очсам бўлар гоийб.

Аммо бир нарса аниқ,
Осон топишмас олтин.
Меҳнат қилиш керак, бил,
Ҳайрат қилиб олмай тин.

Бунда китоб ўртоқдир,
Дўстим, унутма шуни.
Ўқиб, излансанг зарни,
Ўнада қурасан уни.

Зухраҳон
ИЛЁСОВА



ТОҒ ШАМОЛИ

Бир хур шамол бўлдим, тоғнинг шамоли,
Кўёшни етаклаб боряпман Ҳаққа.
Фасллар юзининг гардини артиб,
Рухим кўкка туташ, ўзим тупроққа.

Бир хур шамол бўлдим, тоғнинг шамоли,
Диммиқан даштларга олиб келдим нур.
Кумуш ҳаволарга кетгум қовушиб,
Оний лаҳзаларда яшамоқ шудир.

Умриниса
АБДУЛЛАЕВА



Қачондир кўзингнинг оқи қораяр,
Япроқлар сарғаяр нопармон кўзда.
Шамолнинг сасига рақсга тушган
Сочинг ифорида кетарман ўздан.

Қачондир дилингда улғаяр севги,
Кўзингдан ўпади ўтги бўсалар.
Юзинга тикилиб шодлиқдан масрур
Кулгичингни кўрсам, бир газ ўсаман!

Элёр
ҲАЙДАР



Ўртамизда Қизилқум
Ўтдай қизиб ётади.
Бу чўлдан ким ялангбош,
Оёқланг ўтади?
Ҳаюу, чўлгулгул!

Қум кўчади воҳага,
Туям кўзин очирмас.
Ким севади ана шу
Ёрини ҳеч қочирмас!
Ҳаюу, учди гул!

Кўзларимнинг ёшидан
Асли бағри қон чўлнинг.
Қумлар оқмас — “ёрим” деб
Қилгани фиғон чўлнинг.
Ҳаюу, кетди гул!

Оҳиста юр, эй қарвон,
Қайсим қайтиб кетади.
Ўғли билан уйда
Лайли уни кутади.
Ҳаюу, ёнди гул!

Йўқлаб келган ёмғирга
Куйган дилим тутаман.
Уни кўрган янтоқни
Кўзларимга суртаман.
Ҳаюу, ўлди гул!

Ва сўнгида шу чўлнинг
Менда кўнгли бор эмиш.
Истасам, ҳар саксовул
Минг Мажнунга дор эмиш!
Ҳаюу, рози гул!

Хон қизига ярашгай
Ёрим шу деб керилиш!
Хоразми севганга
Қизилқумнинг ўзи ишқ!
Ҳаюу, бахтли гул!

Комила
ҚАМАР



ҲАЁЛИМГА ЧИҚАСАН ЭГА

Юрагимни қувнатар ҳайрат,
Тонглар ошиқ бўлдим маҳлиё.
Нигоҳимни гашлатган сурат,
Энди сенга боқмайман қиё.

Ёнингда жим ўтиб бораман,
Маъюслигинг тортади нега?
Ҳаёлларда яккаш қоламан,
Ҳаёлимга чиқасан эга.

Нари буриб сендан юзимни,
Варақлайман

китобимдан бет.
Мавзусисан
ҳар бир кунимнинг,
Ботқоқликка тортма, интернет.

Нихола
АБДУМАЛИКОВА



ТУРКОНА

Қанотим ёқишга уста қўёшнинг,
Этагида саросар кезиндим,
Юрагим ўтидан чиққан кўз ёшнинг
Қатра томчисида исиндим...

Тушларимга кўчгандек умрим,
Дунёсига келавердим тор...
Ўйимдаги ранго-ранглик
сим —
Сиеҳликка айланди яқбор!

Титраб кетди асрий таворих,
Гарданимда кўхна азим бурч,
Ҳисларимга санчилар оғриқ,
Томиримда момомерос куч!

Мен Тўмарис марди майдонда!
Ойбарчинман кокиллари дор!
Қалдирғочман жуссаси майда,
Юрагида дунёлари бор!

То тонггача тебратиб бешиқ,
То тунгача кашта тўқийман,
Қадрим қадар қаддим ёй, эгик,
Мен онаман! Мен — Ватан, иймон!

Аёл деб аталган китобнинг
Сабр-бардош бобида кездим,
Шууриимга сингигишди ёдинг,
Она, сенга айландим, сездим...

Тандирдаги оловдек ёндим,
Ғурурим синдирдим ўтиндек...
Ўчоқ кулларидек соврилавердим,
Онам, сабринг экан метиндек!

Бу турмушнинг муштлари оғир,
Тоғораси эски ва чуқур,
Чакки ўтган томида ғир-ғир
Айланади ўйларим қуруғ!

Орзуларим кирлардек тўп-тўп,
Ўз қўлимда ювиб, силкийман...
Дунё, мендан нолийверма кўп,
Темурларни туққан Туркийман!

Латофат
АМИРОВА



ТИЛАК

Ватан — тупроғингга сочилиб кетсам,
Кузакда сепилган бугдой мисоли.
Кўкламда кўкариб, бўй чўзиб ўссам,
Ҳосилдан уюлиб тўлса хирмонинг!

РИЗҚ

Қояда ўрмалар бир тўп чумоли,
Шу азим қоядан ризқин тергали.
Хулоса қилишга шошилма ҳали,
Чумолиҳур еди — чумоли қани?

ЧИЗГИ

Туман тунда кетаётиб йиқилди,
Кўзёшлари шабнам бўлиб тўкилди.
Раҳми келиб унга гувоҳ майсанинг
Япроқлари маъюсина букилди.

ИҚРОР

Сен келдинг — тунларим ёришиб кетди,
Қишларим кўкламга қоришиб кетди!
Бир келдинг — мудраган ҳисларим ёриб,
Шодлиқдан юрагим увишиб кетди!

Абдулла
МУҲАММАД



АЛЛА

Қумсоатнинг зарраларидай
Туқилдим-у, ўлмадим, болам!
Шамолларга учди ҳисларим,
Аёзларда сўлмадим, болам.

Тиланганим тиллолар эмас,
Яқин бўлди дилдан йироқлар.
Бугун гуллар назм чорбоғи,
Таним ёриб чиқди титроқлар.

Ҳаёт ўйин, ҳаёт кўпқари,
Кўзларингдек ёп-ёруғ ўйлар.
Юрагимни едирмам ғамга,
Болам, ҳали қиламиз тўйлар!

Оҳ! Болам-а, қўксим тумори,
Жаҳолатнинг кўксини ўйгум.
Оналарнинг фарёди тутган
Дунёсини аллалаб қўйгум.

Ёвга сочим дор этиб осгум,
Бармоқларим бурдалар хавфни,
Болам, юртга боққан балога
Тўғиб бергум енгилмас Алпни!

Сен, дилбандим, жилмай, қувонгин,
Жоним нисор, умрим эртаси.
Мен шеър айтмай, энди ухлама,
Уйғон, болам, илҳом эркаси!

Алла айтар Зомин тоғлари,
Япроқчалар бошинга соя,
Қара, бизни имлаб турибди,
Олқор ўпган муҳташам қоя.

Андижонга қайтамыз, қизим,
Севинч деган байроқни олиб.
Ватан деган жаннатий юртда,
Болам, бутун Оналар ғолиб!

Болам, бутун Оналар ғолиб!

Мохинуҳон
ТУРСУНОВА



ТИПРА ВА ТИКАН

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонларда
бир ўрмонда Типра деган ҳайвон бор экан.
Унинг икки кўзи кўзмончоқдек қора, бурунчаси
узун ва ранги кулранг экан. У бир кунни кўзиқорин
теришга чиққан экан. Кўзиқоринларни териб
бўлғач, уйига қайтиб кетаётса, қаршисидан айёр
Тулқивой чиқибди. Унга ташланиб, ёмоқчи бўлибди.
Аммо қаёққандир Бўривой келиб, Тулқивойнинг
боглаб адабини берибди. У аранг қочиб қутулибди.
Шунда Типра Бўривойга:

— Сиздан миннатдорман, Жаноб. Агарда сиз
бўлмаганингизда, аллақачон асфаласофилнга
равона бўлар эдим. Шунча-да ҳаёт ўзи:
кучли ҳайвонлар кучсиз, заиф ҳайвонларнинг
устидан доимо ғалаба қозongan, — дебди.

— Мен билан дўст бўласанми? — деган таклифни
айтибди Бўривой.
— Ҳа, майли, сиздек ҳимоячи дўстим бўлса,
“йўқ” демасдим, — дебди.

Шундай қилиб, иккаласи бир умрга дўст бўлиб
қолишга қасам ичишибди. Бўривой Типрани
елкасига ўтказиб, кўзиқоринларни унинг
кўлчасига тутқазиб, уйига элтиб қўйибди. Типра
Бўривойдан жуда миннатдор бўлибди.
Бир неча ҳафтадан сўнг эса бизнинг Типра
туғилган кунини нишонлабди. Унинг уйига барча
қариндошлари, ўртоқлари келишибди. Аммо
Бўривойдан дом-дарак йўқ экан. Туғилган
кунни нишонлаш мақсадида келганлар бир-
бирдан ажойиб совғаларни олиб келишибди.
Типра эндигина дўстининг келмаганидан хафа
бўлиб ўтирган экан, эшик очилиб, қўлида қизил
кутичани кўтарганча Бўривой кириб келибди:

— Дўстим Типра, туғилган кунингга кеч қолганим
учун узр. Мана бу сенга. Туғилган кунинг
муборак бўлсин! Дунёдаги энг эзгу ва яхши тилакларини
сенга тилайман, — деб қўлидаги қизил рангли
кутичани узатибди. Типра у кутичани олиб, очиб
қараса, ичида тиканли чопон бор экан. Туғилган
кунни нишонлашга ташриф буурган меҳмонлар ҳам
ҳайрон бўлишибди, ҳам хандон отиб қулишибди.
Шунда Бўривой:

— Мана шу чопонни кийиб ол! Зеро, менинг
дўстимга ҳеч бир ёвузнинг қўли тегмасин.
Сенга озор беришолмасин. Зиён етказишмоқчи
бўлганларнинг узлари зиён кўрсин! — дебди.

Унинг ҳақиқий дўстлигига ҳамма қойил қолибди.
Типра эса уни маҳкам қучоқлаб, йиғлаб юборибди.
Сўнг қўйлагига шу тиканларни қадаб қўйибди
ва умуман эғидан ташламабди.

Шу-шу, унга ҳеч ким зиён-заҳмат етказа олмас ва унинг исми эса
энди Типра эмас, Типратикан экан.

Мадина
УСМОНОВА



ШЕЪРИЯТ

Муаллиф ҳақида:

Омонуллоҳ МУТАЛ — 1949 йилда туғилган. Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг кимё-технология факультетини тамомлаган. “Олий мартаба”, “Хива хонлиги Оллоқулихон даврида”, “Ҳикматли дунё”, “Ҳисобли дунё”, “Эзгулик боғи”, “Саломим етказинг”, “Эзгулик боғидан насимлар” сингари ўнга яқин китоблари нашр этилган.

“Дўстлик”, “Эл юрт ҳурмати” орденлари билан тақдирланган. Тарих фанлари номзоди.



Омонуллоҳ МУТАЛ

Нафсини тиёлган мардларнинг марди

ЯССАВИЙ БОБО

Туркистонга интилар дунё,
Кўним топган бунда бир сиймо,
Турбатидан таратар зиё,
Ҳазратимиз Яссавий бобо.

Амир Темур айлаган обод,
Мир Алишер ёдлаган бот-бот,
Ким йўқласа кўнглин айлар шод,
Улуғ зотдир Яссавий бобо.

Оллоҳга қул, Расулга уммат,
Фикри-зиқри, айтгани ҳикмат,
Ожизларга кўрсатар ҳиммат,
Буюк зотдир Яссавий бобо.

Бежиз эмас исми Қул Аҳмад,
Қалбин Оллоҳ забт этган фақат,
Шони ўчмас абадул абад,
Ҳазратимиз Яссавий бобо.

Бунда ўзбек, қозоқ жамулжам,
Бўлмагайлар бир-биридан кам,
Аҳилликдан хурсанддир Хожам,
Султонимиз Яссавий бобо.

Туркистонга интилар дунё,
Кўним топган бунда бир сиймо,
Турбатидан таратар зиё,
Улуғ бобом Яссавий бобо.

ҚАРДОШИМИЗ

Тяньшандайн алпқомат кирғиз,
Чўнг бобоси донишманд Манас.
Адибларнинг сараси Чингиз,
Башарият қилади ҳавас.

Олатовнинг яйловлари кенг,
Арчалари яшнар минг йиллаб.
Бунда ўзбек кирғиз билан тенг,
Яшайдилар бир-бирин қўллаб.

Ўтмиши бир, икки халқ эгиз,
Оғир кунлар бўлган елкадош.
Қирққа бўлиб ейишган майиз,
Синовларга беришган бардош.

Ҳар иккиси бу кун мустақил,
Нурли йўлга қўйдилар қадам.
Дўстликларин, Раббим, мангу қил,
Бир-биридан бўлмасинлар кам.

Тяньшандайн алпқомат кирғиз,
Чўнг бобоси донишманд Манас.
Адибларнинг сараси Чингиз,
Башарият қилади ҳавас.

Ўзбек ва қозоқнинг илдиизи бирдир,
Яйлови, қири бир, дарёси Сирдир.
Тили бир, дили бир, эътиқоди бир,
Навоий Абайга устоздир, пирдир.

Ўртада Туркистон, Яссавий бобо,
Ҳикматлар сочганда ёришар само.
Дўстона тотувлик урф бўлган юрта
Офтоб қулиб чиқиб, яйрайди сабо.

“Тошкент нон шаҳри” деб тан олган башар,
Остона кундан-кун гуркираб яшнар.
Ўзбеги қозоқнинг иқболи баланд,
Бир-бирин қўллашиб абадий яшар.

Ўзбек ва қозоқнинг илдиизи бирдир,
Яйлови, қири бир, дарёси Сирдир.
Тили бир, дили бир, эътиқоди бир,
Навоий Абайга устоздир, пирдир.

ТЎРТЛИКЛАР

Билмаган нарсангни билгандан сўра,
Ҳаётда пишқ бўл, бўлма хом, ғура.
Билимдон, оққунгил, камтарин бўлсанг,
Дунёда ҳар кимса сен учун жўра.

Ўнгингдан қўямасин, юрмагин чапга,
Лақма бўлиб қулоқ осма ҳар гапга.
Яхшию ёмонни фарқлай ола бил,
Қўшилиб кетмагин дуч келган сафга.

Ушбу ҳикмат менга бобомдан қолган,
Эзгуликка бўлса дуруст гоҳ ёлгон.
Рост гап сабаб бўлса низо, жанжалга,
Гунг бўлгин, солиб юр оғзинга толқон.

Шошилма, эширмоқ шайтоннинг иши,
Йўлда қўп қоқилар шошқалоқ киши.
Табиат мукамал тўрт фасли билан,
Қўзда унум қайда, бўлмаса киши.

ФАОЛИЯТ

Чустий маҳалласидаги ўзгаришлар

Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги бир маҳаллага таниқли шоир Чустийнинг номи берилган. Мазкур маҳаллада турли йилларда раис бўлиб ишлаган кишиларни биланам. Уларнинг айримлари ҳатто Чустий китобларини ҳам ўқимаган эдилар. “Шоир бўлган. Аммо-лекин ёзганларини ўқимаганмиз”, дер эдилар. Соҳиб Мирзаев маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланганидан кейин менга: “Сиз шоирсиз. Чустий ижодини тузук англайсиз. Шу тўғрисида маълумот беринг”, деди.

Соҳибжон маҳалламизга кўчиб келганига беш йилча бўлди. Инженер оиласида таваллуд топган. Тошкент давлат политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг кимё-технология факультетини битказган. Пойтахтимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаган. Кейин ўз соҳаси бўйича тadbиркорлик билан шуғулланган. Икки нафар фарзанди бор. Рафиқаси билан биргаликда уларни тарбиялаб, ўйли-жойли қилган. Уч нафар неваранинг бобоси.

Адабиётга қизиқишини пайқаб, “Ана энди маҳалла ишончли кўлларга ўтибди”, деб ўйладим. Очигини айтсам, шаҳримизда яшаётган айрим маҳалла раҳбарлари шоирларни умуман танимайдилар, китобларини варақлаб ҳам кўрмаганлар. Соҳибжонга қарата Чустий ижодидан бир-икки намуна ўқидим:

*Кимки ўз қадрини билмас, билмас одам қадрини,
Одам эрмас билмаса ҳар ким бу олам қадрини.*

*Айланиб сув устида оққан сомон янглиг киши,
Қолмағай гирдоби ғамда билса бу дам қадрини.*

*Эй баҳор элчиси, боғда тутма пандингни дариг,
Яхши билсин субҳидам гул барғи
шабнам қадрини.*



— Жуда маъноли сатрлар экан, — деди суҳбатдошим. — Ҳақиқатан ҳам, ўзининг қадрини билмаган бошқаларнинг қадрини билмайди-да. Демак, у одам қаторига қирмайди.

— Сув устида оққан сомонга ўхшар экан унақа киши, — дедим. — Сомон парчасини гирдоб ўз домига тортиб кетаверади.

Соҳибжон хил ўйланиб турди-да, учинчи байтни ўзича шарҳлади:

— Баҳор элчисига шоир мурожаат қиляпти: боғда пандингни дариг тутма, токи тонгда гул барғи шабнам қадрини билсин. Бу ерда шабнам бегуборлик тимсоли эмасми?

— Худди шундай. Чустий домла Алишер Навоий ижодини мукамал билган эканлар. Айнан шунинг учун ҳам 1939 йилда уни Чустдан Тошкент шаҳрига ишга тақлиф қилганлар. Чустийнинг асл исм-фамилияси Набиҳон Хўжаев бўлган. У 1904 йилда Чуст шаҳрида таваллуд топган. Туғилиб-ўсган шаҳри-

нинг номини тахаллус сифатида танлаган. Мана, биз ҳам у туфайли Чуст шахри номини айтиб турибмиз. Наманганнинг энг машҳур гўшаси. Чустий домла 1983 йилда дунёдан ўтган. Шу ерликлар ҳам уни таниган, кўрган бўлиши мумкин. Муқимий театрида директор бўлиб ишлаганида актёрлар орасида доврўқ таратган.

— Шундай машҳур инсонни ҳозирги ёшлар унчалик танимайди. Маърифий тadbирлар ўтказишимиз керак экан бу ҳақда.

Соҳиб Мирзаев маҳалла раиси вазифасида иш бошлаганига эндигина тўрт ой бўлди. Шу қисқа вақт оралиғида у кўплаб тadbирларни амалга оширди. Жумладан, маҳаллага кираверишда янги бетон устунлар ва ёриткич чироқлар ўрнатилди. Кўп қаватли уйларнинг том қисми қайта таъмирланди. Маҳалла ҳудудига 2500 дан зиёд гул ва турли хил кўчатлар ўтказилди. Наврўз байрамида қозонда ҳалим тайёрланиб, кам таъминланган оилаларга, қарияларга тарқатилди. Болалар байрамига атаб тadbир ўтказилди. Бегубор кичкинтойлар шунда ниҳоятда шод бўлдилар. Қурбон ҳайити байрамида эса маҳалладаги эҳтиёжманд кишиларга турли махсулотлар берилди.

Бу манзилга келган меҳмонлар томонидан Чустий маҳалласидаги файз ва озодалик ҳақида самимий, илиқ сўзлар айтилди.

“Ҳамжихатликда қилган ишларимиз натижасида “Намунали маҳалла” деган эътирофни кўлга киритдик, — дея қувонади Соҳиб ака. — Биз маҳаллада маънавиятни тараққий эттириш борасида қайғуришимиз керак экан, — деди у.

Дарҳақиқат, шундай. Агар одамлар ўз кадр-қимматини билмас эканлар, бошқаларни ҳам қадрламайди. Бизнингча, Чустий номли маҳалла раиси Соҳиб Мирзаевдан кўп нарсга кутишга ҳақлимиз. Чунки у ишни шоир Чустий ижодини тарғиб этишдан бошламақда.

Комил ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ТАНЛОВ

“ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!”



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ватанимиз мустақиллигининг 34 йиллигига бағишлаб энг яхши насрий, шеърӣй ва бадий-публицистик асарларнинг анъанавӣй “Ватан учун яшайлик!” республика танловини эълон қилади.

Танловга 2024 йилнинг 10 августидан 2025 йилнинг 10 августига қадар республикамиздаги вақтли матбуот ва адабий нашрларда эълон қилинган ёки китоб ҳолида чоп этилган бадий-публицистик мақолалар, очерклар, насрий ва шеърӣй йўналишдаги асарлар тақдим этилиши мумкин. Уларда “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган, халқимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат борасидаги туб ўзгаришлар, инсон қадри олий мезон бўлган янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида қўлга киритилган зафарлар, мард ва матонатли халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати ва бунёдкорлик салоҳияти, буюк аждодларимизнинг бой илмӣй ва маънавий меросини ўрганиш ва

кенг тарғиб қилиш, Ватанимизнинг миллий истиклоли, халқимиз озодлиги учун курашиб, шу йўлда жон фидо этган, мустабид тузум даврида сиёсий қатғон қурбони бўлган ота-боболаримизнинг ибратли ҳаёти, китоб муталааси ва китобхонлик маданияти тарғиботи каби эзгу ғоялар ҳаётӣй мисоллар, теран фикр-мулоҳазалар билан тараннум этилиши лозим.

Танлов иштирокчилари ўз ижодий ишларини (паспорт ёки ID-карта нусхаси, манзил ва боғланиш телефон рақамларини илова қилган ҳолда) Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига юборишлари керак.

Юборилган ижодий ишлар 2025 йилнинг 15 августига қадар қабул қилинади ҳамда танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 34 йиллиги байрами арафасида диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланади.

Қўшимча маълумот олиш
учун телефон:
(71) 231-83-67.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ,
АЗИЗ ИЖОДКОРЛАР!

ТААССУРОТ

Гулзебонинг “Дил мактублари” китобчасини кўлимга олганимда, кичкинагина китобча бўлибди-да, деган ҳаёлга бордим. Лекин шу кичкина китобдан ўрин олган шеърларни ўқиб туриб, катта бир сирли оламга қириб қолгандай бўлдим.

ГУЛЗЕБОНИНГ
ДИЛ МАКТУБЛАРИ

Мана, ундаги “Шукрона” деган шеър:
Энди ўйламайман, мен учун Раббим
Ҳамма-ҳаммасини ўйлаб қўйибди.
Хайрдан-хайрли лаҳзаларини
Умрим соатига жойлаб қўйибди.
Алҳамдулиллаҳ...

Ундан ўзгасига йўғламам энди,
Кўзи ёшлаганини ким ҳам суйибди?
Ундан ўзгасини эсламам, асло,
Мен учун ҳаммасин эслаб қўйибди.
Алҳамдулиллаҳ...

Ана, кичкинагина шеърдаги сатрларга яширинган катта гап, фикр. Бу ерда шоира барчасини билгучи ва кўргучи Зот ҳақида ёзаяпти. “Биз бандалар нималарни ўйламаймиз? Яратганнинг ўзи бор. Ҳаммасини кўриб турибди, ҳукм Ундан!” дедоқда Гулзебохон. Шеърятни тушунадиганларни, ҳис қиладиганларни ўйлантирадиган сатрлар...

Яна бир шеър дўстлик ҳақида. Қўлига қалам олган шоир борки, дўст, дўстлик ҳақида ёзган, ёзади. Лекин бир-биридан фарқ қилмаса, ўхшаш бўлса, ундай шеърнинг кимга қизғини бор? Такрор бўлибди, деб ҳулоса чиқаради шеърхон.

Хасталанганимда ёнимда бўлган,
Соғайсам, қувончли онимда бўлган,
Сўзининг таъсири жонимда бўлган
Дўстим бор...

Кўряписизми, бунда ҳақиқий шоиранинг ўз сўзи бор. Ҳақиқий дўст ҳақидаги ҳақиқат ярқ этиб кўриниб турибди.

Она олдидаги фарзандлик бурчи... Бу бурч қарзини узмоқ учун минг уринмайлик, кучимиз етмайди. Бу ердаям шоиранинг ўз айтар сўзи бор. “Она соғинчи” шеъри ана шу ҳақда. Шоира қарзини узмоқ учун фақат Яратганга мурожаат қилади. “Дунёнинг тоғларини тилла этиб бер”, деб илтижо қиляпти. “Соғинч чексиз, юлдузлар сонича соғинчим бор”, деб айтаяпти. “Меҳрдан бир дунё бунёд этиб бер, унда онам билан кезайин, Раббим!” деган сатрларини бепарво ўқиб бўладими? Она соғинчининг ўзига хос тасвири бор бу ерда. Фақат “болам” деб яшайдиган, топганини боласига илинадиган оналар ҳақида ёзади у.

Дардингни табибдан ўзга билмасин,
Кўзларингга айтгин, кўз ёш қилмасин.

Ҳақнинг назарида азизлик топил,
Майли, бандалари кўзга илмасин!

Бу ерда ожизликка қарши шоиранинг айтар сўзи дадиллик билан жаранглаб турибди. Ҳатто кўзга мурожаат бор. Яширин бир исённи ҳам кўриш мумкин. “Табиб билса билсин-у, лекин дардингни ўзга билмасин”, дея айтишнинг ўзи ижодкордан катта юрак, қалб изхори эканини билмоқ, ҳис қилмоқ керак. Шу ерда “Бандалари кўзга илмасаям майли, Ҳақнинг назаридан азизлик топил”, деган хитоб бор!

Хулоса ўрнида айтар сўзим: таниқли шоир Мирзо Кенжабек Гулзебонинг китобчасига сўзбошидаги “шундай ёзсангки, қоғоз қоғозлигидан пушаймон бўлмаса, сиёҳ сиёҳлигидан ор қилмаса, ўрмонлар китобга айланганидан рози бўлса...” деган сўзларини тан олмоқ керак. Самимий шеърят ҳақидаги самимий истаклар.

Гулзебонинг шеърлари билан танишиб чиққандан сўнг, қоғоз қоғоз бўлганига хурсанд эканини кўрдим. Сиёҳ сиёҳлигидан кўнгли кўтарилиб, “энди асло ўчмайман”, деяётгандай, дарахтлар-чи, “шундай сатрларни битган шоирадан мингдан-минг розимиз”, деяётгандек...

Ута камтар, камсукум, ҳақ гапни айтганда, кўплар эндигина тушунаётган, аслида, катта шоира синглизмининг кичкинагина китобчаси кўлимизга теги. Энди ундан катта китобларни ҳам кутишга ўқувчи ҳақли.

Китоб “Дил мактублари” деб номлангани ҳам бекорга эмас. Мактублар, айниқса, “Дил мактублари” албатта ўқийдиган мактублар эканлигига ҳар бир ўқирман ишонч ҳосил қилади.

Анвар АБДУВАЛИНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган 237-сонли умумий ўрта таълим мактабига тегишли бўлган мактаб муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҲИКМАТ



Кўрдимки, энг ноёб
неъмат ростгўйлик
ва мардлик, энг оғир
бало мунофиқ дўстлар
экан.

Нажмиддин
КУБРО

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4 200
Буюртма — Г-744

1 2 3 4 5 6

Тошпирилиш вақти — 21⁰⁰
Тошпирилди — 23³⁰

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Маъзилмиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Елгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.